

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ

Ижтимоий иш йўналиши

13.64-гуруҳ битирувчиси Қўчқоров Иззатбек Иномжон ўғлининг

**“Жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ривожлантириш
истикболлари”**

мавзусидаги

БИТИРУВ

МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи М.Нажметдинова

Фарғона – 2017

МУНДАРИЖА		
	КИРИШ	3
I БОБ	ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ	8
1.1.	Ижтимоий ҳаёт тушунчаси тузилиши ва ривожланиши	8
1.2.	Ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар	34
II БОБ.	ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИНГ ТУБ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ	40
2.1.	Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётдаги туб ислохотлар ва уларнинг натижалари	40
2.2.	Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши бўйича янги концепциянинг моҳияти	45
	ХУЛОСА ва ТАВСИЯЛАР	66
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	69
	ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистоннинг ўтган 25 йиллик даврида турли соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, кенг кўламли яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари, бетақроқ тараққиёт йўли нақадар тўғри эканлиги бугунги кунда ўз исботини топмоқда. Жамиятимизда фаровонлик, ҳар бир инсон ҳаётидан мамнунлик ва шукроналик, ўз иқболи, истикболи, эртанги кунига ишонч, Президентимиз белгилаб берган истиклол йўлига эътиқод ҳар бир Ўзбекистонликнинг қалбига жо бўлиб, ҳаёти ва фаолияти маёғига айланди.

Жамиятда иқтисодий фаровонликни таъминлаш, инсон омилини юксалтириш, меҳнат мазмундорлигини ошириш, фаолият субъектлари маънавиятини такомиллаштириш кўп жиҳатдан уларнинг иқтисодий ва маънавий тафаккури даражасига боғлиқдир. Бинобарин, «мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда»¹. Ушбу жараёнда кишиларда янгича ижтимоий ҳаётни ривожлантириш, маънавий ва иқтисодий тафаккурни шакллантириш, дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг ўз меҳнат соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини яратиш энг муҳим вазифа ҳисобланиб, битирув малакавий ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Битирув малакавий ишининг ўрганилганлик даражаси.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти ва шахснинг иқтисодий онги, тафаккури, психологияси, умуман иқтисодий маданиятини ўрганиш тарихи узок даврларга бориб тақалади. Антик даврлардаёқ мутафаккирлар ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига ва тараққий этишига муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашганлар.

¹Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-т., -Т.: Ўзбекистон, 2005, Б. 209.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаётининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар масалаларига қадимги Шарқ, Марказий Осиё мутафаккирлари ҳам алоҳида эътибор берганлар. «Авесто», «Қуръони Карим», «Ҳадис»лар, «Мухтасар» каби муқаддас манбаларда, шунингдек, Наршахий, Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, ал-Марғиноний, Ғаззолий, Низомулмулк, Кошифий, Кайковус, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур, Дониш, Авлоний каби мутафаккирларнинг қарашларида иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос маънавий мезонлари акс этган².

Иқтисодий ва маънавий тафаккур маданиятининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли муаммолари хорижлик олимлар томонидан ҳам тадқиқ этиб келинади³.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, мустақиллик шароитида шаклланаётган маънавий ва иқтисодий маданиятни Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт модели моҳиятини акс эттирадиган янгича назарий-методологик концепция асосида ўрганиш янада кенг кўламда тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади. Шунинг учун ишимизда, юқоридаги тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, конкрет муаммо, яъни жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ривожлантиш истиқболлари ҳамда шахснинг маънавий ва иқтисодий маданияти шаклланиши шу билан ривожланишида моддий ва маънавий омиллар уйғунлигининг жамиятдаги ижтимоий тараққиётни таъминлашдаги жиҳатлари кўриб чиқилади.

² Қаранг: «Авесто» и его место в истории развития человечества.-Ташкент - Ургенч, «Фан», 2001; Имом Бухорий. Ҳадис. 4-том.-Т.: Мухтасар. –Т.: Чўлпон, 1994; Абу Наср ал Форобий. Фозил одамлар шахри. - Т.: Халқ мероси,1993.; Бурхониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя.-Т.: Ўзбекистон, 1994; Муҳаммад ал-Ғаззолий. Кимийи саодат.-Т.: Камалак, 1995; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг.-Т.: Чўлпон, 1991; Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати.-Т.:Халқ мероси, 1993; Кайковус. Қобуснома. - Т.: Истиқлол, 1994; Низомулмулк. Сиёсатнома.-Т.Адолат,1996; Темур тузуклари.-Т.: 1993; Навоий А.Маҳбуб-ул қулуб //Танланган асарлар тўплами,14-жилд.-Т.: Фан, 1998; Дониш Аҳмад. Наводирул вақое.-

³ Қаранг: Булгаков С.Н. Философия хозяйства.-М.:1990; Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма. –М.: Прогресс, 1990; Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура.-М.: ГУ ВШЭ, 2000 (Пер.с англ.); Инглхарт Р. Культура и демократия. // Культура имеет значение.-М.: Московская школа политических исследований, 2002; Кадзума Татеиси. Вечный дух предпринимательства. Практическая философия бизнесмена. Пер. с англ.-М.: 1990; Ким У Жунг. Бизнеснинг буюк олами. (Корейсчадан таржима)-Т.:Ўзбекистон, 1997;Козловски П. Принципы этической экономики. (Пер.с польс) СПб.,1999; Рўвкина Р.В. Экономическая социология переходной России. –М.:Изд. Дело, 1998; Туттов Л., Шаститко А. Экономический подход к проблемам организации знаний о человеке.// Вопросы экономики, 2002, N 9; Эрхард Л. Благополучие для всех. Пер. с нем.-М.: Дело, 2001. Мусаев Ф., Мусурманова А. Экономические тенденции формирования духовной культуры молодежи современного села // Экономика и статистика. – 1998. – №4;

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари

Тадқиқотнинг мақсади республикамізда бозор муносабатлари шароитида шахс маънавий ва иқтисодий тафаккур маданиятининг ўзаро уйғунлиги ижтимоий тараққиётни таъминлашда муҳим омил эканлигини илмий-назарий асослаб беришдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- жамият ижтимоий ҳаётининг тузилиши ҳамда маънавий ва иқтисодий тафаккурнинг жамиятдаги ўрнини тавсифлаш;

- маънавий ва иқтисодий тафаккурнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини кўрсатиш;

- ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳамда юксак маънавий ва иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини таҳлил этиш;

- ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши бўйича ислохотлар ва уларнинг натижалари таҳлил қилиш ва бу борадаги аҳамиятини ошириш юзасидан илмий хулоса ва конкрет амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг предмети ва объекти.

Мустақил Ўзбекистонимизни гуллаб-яшнашида муҳим аҳамиятга эга бўлган мамлакатнинг ижтимоий соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини янада чуқурлаштириш ва жамиятдаги ижтимоий ҳаёт фаолиятини жадаллаштириш жараёни ҳамда Фарғона шаҳар маҳалла жамоат фонди фаолияти тадқиқот объекти қилиб олинди.

Тадқиқот предмети ижтимоий тараққиётни таъминлашда маънавий ва иқтисодий тафаккурининг ўрни ва ролини таҳлил этишни назарда тутди.

Тадқиқот методлари сифатида маънавий ва иқтисодий тафаккур тўғрисидаги фалсафий-иқтисодий концепциялардан; диалектик, тизимийлик, шунингдек, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, объективлик ва ворисийлик, қиёслаш ва умумлаштириш, миллийлик ва умуминсонийлик каби тамойиллардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг илмий амалий аҳамияти.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатларига ҳизмат қилишга қаратилган бўлиб, ижтимоий ҳимоя соҳаси давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан этиб белгиланган. Ана шу хайрли ишларнинг самарасини Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги жадал тараққиёти ҳамда халқимиз турмуш даражасининг йилдан-йилга фаровонлашиб бораётганлигидан ҳам билса бўлади. Айниқса, юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб турмуш шароитини яратиш ва ғамхўрлик кўрсатишдек эзгу ишларнинг изчил олиб борилаётганидан, энг қувонарлиси, сўнги 25 йил давомида мамлакатимизда фуқароларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача узайганлигининг ўзиёқ мамлакатимизда ижтимоий муаммолар ўз ечимини топганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, ёлғиз кексалар пенсионерлар ва имконияти чекланган юртдошларимиз ҳам ўзаро бағрикенглик, меҳр-оқибат, ғамхўрлик каби инсоний муносабатлардан тўла баҳраманд бўлиб умргузаронлик қилишмоқда. Хар байрамда, тўй-ҳашамларда, уларни йўқлаб, ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш анъанага айланган. Президентимизнинг “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг эълон қилиниши давлатимиз юритаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодаси сифатида, кўплаб хайрли амалларнинг бажарилишига туртки бўлди.

Шунингдек, унинг хулоса ва умумлашмаларидан “Ижтимоий сиёсат”, “Жамиятшунослик”, “Маданиятшунослик”, “Иқтисод социологияси”, “Фалсафа”, “Иқтисодий назария”, “Ахлоқшунослик”, “Маънавият асослари” каби фанлардан тегишли мавзулар бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг методологик асослари.

Тадқиқотнинг методологик асосини қуйидаги манбалар ташкил этади: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг

ижтимоий-сиёсий тараққиётининг асосий тамойиллари”, ”Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида” асарлари, Р.А.Убайдуллаеванинг “Мустақил Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳимояси” асари, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастури ва бошқа адабиётлар ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг янгилиги

Республикамызда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларга объектив ва қонуний таъсири, жамият ва шахс маънавий ва иқтисодий тафаккур маданияти янгиланиши ва ривожланишининг ижтимоий-сиёсий, ғоявий-ҳуқуқий негизлари, бозор иқтисодиёти тамойилларининг шахс онги, тафаккури, дунёқараши ва маданияти шаклланиши ва ривожланишига таъсир этишнинг объектив ва субъектив омиллари уйғунлигини таъминловчи асосларни таҳлил қилиш кабилардир.

Тадқиқотнинг тузилиши. Иш кириш, икки боб, 4 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙИ ҲАЁТИНИ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

1.1. Ижтимоий ҳаёт тушунчаси тузилиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ривожланган бозор инфратузилмасига эга бўлган ижтимоий адолатли, демократик, эркин фуқаролик жамиятининг барпо этилишига қаратилганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар истикболда қудратли, эркин, демократик одил жамият барпо этилишига олиб боришига шак-шубҳа йўқ. Демократик ислохотлар йўлига кирган Ўзбекистон бугунги кунда халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан саналган адолат ва ҳақиқатга интилиш, асрлардан-асрларга ўтиб келаётган азалий орзу-умидларини маънавий баркамол авлодни шакллантириш орқали амалга оширишга қаратмоқда. Зеро, маънавий тарбияланган баркамол авлодгина келажакда кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо эта олади.

Мамлакатимиз ўзбек халқининг тарихий-маданий қадриятларини қайта тиклаш ва буюк аجدодларимизнинг маънавий-ахлоқий меросини тўла ўрганиш асосида фуқаролик жамияти қуришни ўзининг стратегик мақсади қилиб қўйди. Ушбу вазифани бажариш йўлларида бири – жамиятда тарихий-маданий ҳаёт тарзига мос келадиган соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдир. Унинг шаклланишида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий ҳавфсизликни таъминлаш концепцияларининг ўрни бекиёсдир.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, маданият, маънавият, қадриятлар, ижтимоий идеаллар, урф-одатлар, анъаналар, эътиқод, менталитет, ахлоқ нормалари инсоннинг ички руҳий олами инъикосидир. Уларда инсонларнинг орзу-умидлари, ҳис-туйғулари, кечинмалари, интилишлари, мақсад ва муддаолари мужассамлашган. Бундан ташқари улар инсонларнинг ҳаёт йўлини ҳам белгилаб беради. Шу сабабли ҳам инсонларнинг ички

руҳий-маънавий оламини забт этиш орқали уларни ҳис-туйғулари, кечинмалари, интилишлари, истаклари, мақсад ва муддаолари устидан назорат ўрнатиш ва бошқариш, олдиндан белгиланган мақсадларга йўналтириш, қарамликка солиш, унинг меҳнатини эксплуатация қилиш мумкин бўлади. Бунинг учун ё бегона маданият ёки бўлмаса ахлоққа зид бўлган ғояларни инсон онгига, руҳиятига, маънавиятига юбориб уни зимдан маҳв этишади. Инсон мияси қабул қилаётган бундай ғоялар, қарашлар онг остида сақланиб қолади ва кези келганда улар «исён» қилиб қолиши мумкин. Бу ҳолатда, яъни инсоннинг ички руҳий-маънавий оламини, ирода-ихтиёрини эгаллаш орқали, инсониятнинг ҳар қандай ижтимоий бирликларини (элат, миллат, халқ), ижтимоий институтларини (оила, давлат) барбод этиши мумкин.

Бу борадаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, ҳар биримиз жамият тараққиёти ва уни янгилашга, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилиш масаласига бўлган ўз бурчи ва масъулиятимизни айнан ана шу асосда аниқлаб олишими керак. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда миллий таълим соҳаси ҳам тобора интеграциялашиб, ҳамкорликни йўлга қўя бориб, миллий ва умуминсоний масалаларни ҳал қилмоқда, халқимиз ва инсоният олдида турган ёки юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ечимини топмоқда.

Кўпминг йиллик кўҳна тарихда не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги – ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улуғ, энг азиз сана сифатида, кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади.

Мустақиллик – бу, аввало, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, ҳусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо

этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимизнинг кафолати, демакдир. Маълумки, Мустақиллик ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида юртимиз бўйлаб катта тантана қилинади. Эътиборлиси эса ҳар йилги байрам тадбирлари ўзгача маъно-мазмун касб этадиган шиор остида нишонланади. Бу йилги байрам «Гўзал ва бетакроримсан муқаддас ватаним, жоним сенга фидо Ўзбекистоним!» деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган. Ушбу ғоят таъсирчан шиорни бугунги кунда ҳар бир ўзбекистонлик ўз қалбидаги бемисл фахру ғурур, бахтиёрлик ва шукроналикнинг ёрқин, самимий ифодаси сифатида қабул қилмоқда.

Байрам шиоримиз ўз замирида кундан-кун чирой очаётган юртимиз қиёфаси, барқарор суръатларда ривожланаётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, мана шу мўътабар заминда тотув ва баҳамжиҳат яшаётган барча миллатларнинг бугунги бахт-икқболи ва ёрқин истиқболлини, гўзал юртимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни тўла мужассам этган. Бугун эса Ўзбекистонимиз барқарор суръатларда жадал тараққий этмоқда.

Бугун шаҳар ва қишлоқларимиз жамолининг кундан-кун кўрк очиб бораётгани, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида қурилаётган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишларимиз мамлакатимизда инсон манфаатлари барча нарсадан устун эканини кўрсатмоқда.

Айниқса, юртимиз ёшлари учун яратилган кенг имкониятлар, уларнинг замонавий билим эгаллашлари, санъат ва спорт билан шуғулланишлари учун қурилган муҳташам таълим муассасалари, спорт иншоотлари учун яратилган зарур шарт-шароитларга бугун дунё жамоатчилиги катта қизиқиш ва зўр ҳавас билан қарамоқда. “Ҳозирги кунда юртимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғига борманг, энг муҳташам, энг кўркем бинолар бу мактаблар, лицей ва коллежлар, маданият, санъат ва спорт масканлари эмасми... Бугун биз нима билан мақтаняпмиз, мақтаниш объекти

ва субъекти ким бўлди? Бизнинг таълим-тарбия масканларимиз ва уларда ўқиётган болаларимиз эмасми? Айни шу йўлни танлаганимиз энг тўғри, тарихий кадам бўлди. Чунки бизнинг эртанги кунимизни ким куради – болаларимиз куради, индинги кунимизни ким куради – невараларимиз куради”⁴. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобидан жой олган маърузаларида: «мустақилликка эришиш арафасидаги оғир ва суронли йилларда ҳам инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикамызда истикболда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар сиёсатнинг марказида бўлиши шарт», деган талаб кун тартибига қўйилган ва бугун бу ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.

Бошқача айтганда, Президентимиз ўша кезлардаёқ халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний такомили – давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири эканини белгилаб берган эди.

Дарҳақиқат, инсон омилини юзага чиқаришда таълим-тарбия омилининг ўрни ва роли юксакдир. Шу боис давлатимиз ўзининг ижтимоий сиёсатида таълимни босқичма-босқич ривожлантириб келмоқда.

2016 йили Ўзбекистон давлат бюджетини қарайиб 34 фоиздан ортиғини айнан таълим соҳаларига ажратилганлиги ҳам бу сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини белгилаб турибди. Ўзбекистоннинг таълим соҳасида эришган улкан ютуқлари бугун жаҳонда тан олиниб юксак эътироф этилмоқда. Ўзбекистоннинг таълим соҳасида эришган улкан ютуқлари бугун жаҳонда тан олиниб юксак эътироф этилмоқда. 2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда 50 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан вакиллар иштирок этдилар. Улар

⁴ (Ислон Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т: “Ўзбекистон” 2015, 30-31 бетлар)

орасида АҚШ, Россия, Германия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби ривожланган давлатларнинг иштирокини ўзи Ўзбекистонда таълим соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқларнинг катта аҳамиятидан дарак бериб турибди.

Халқаро конференция иштирокчилари мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар билан бевосита танишар эканлар, бир овоздан 1997 йили қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурига қўйилган вазифалар қўлампидан келиб чиқиб мухтарам Юртбошимиз келажакка катта ишонч билан “XXI аср – Ўзбекистон асри бўлади!”, “Миллий Дастур яқин келажакда албатта, таълимда “портлаш эффекти” ни беради”⁵, деб айтган башоратлари ҳаётда ўз тасдиғини топганлигини эътироф этдилар.

Бугун Ўзбекистонда умумтаълим ва ўрта махсус таълим тизимига болалар ва ёшлар тўлиқ қамраб олинган, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашларига зарур барча шарт-шароитлар муҳаё этилган. Энг муҳими, бугун таълим-тарбия муассасалари энг чекка қишлоқларда ҳам замонавийлик касб этган бўлиб, шаҳарлардаги бу тизимда яратилган барча қулайликларга эгаллигидадир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим ислохотларида аҳоли турли қатламлари, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон болаларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги катта имкониятлар эшигини очмоқда. Бу миллий менталитетимизга хос бўлган инсонпарварлик хусусиятларини давлат сиёсатига асос қилиб олинганлигини яққол кўрсатади.

Мустақиллик йилларида болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ нинг халқаро конвенцияларга қўшилиш ва ривожланган хорижий мамлакатларда эришилган ютуқларни чуқур ўрганиш орқали кенг қўламда ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳимоялаш дастурида таълим ва соғлиқни сақлаш тизими орқали ногирон болаларга юқори малакали хизмат кўрсата оладиган

⁵ Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ва ижтимоий иш соҳаларини ривожлантириш муаммолари”мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари.Фаргона 2016йил

махсус ихтисосликка эга ижтимоий иш ходими тайёрлаш тизими шаклланди. Мамлакатимиздаги энг нуфузли университетларда шу соҳада фаолият кўрсатадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйилганлиги буни ёрқин исботидир.

Маънавият соҳасида эришилган энг катта ютуғимиз — халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгариб, янгича сифат ва мазмун касб этганидир.

Масалан, не-не буюк аجدодларнинг ворислари эканини билиш, бу билан фахру ифтихор этиш ҳуқуқидан маҳрум ҳолда ўсган авлодлар билан бугунги мустақиллик даври навқирон авлоди ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Яхши эслаймиз, бундан 25 йил олдин давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг истиқбол йўлини белгилаб берар экан, «Ишонинглар, Ўзбекистоннинг келажаги албатта буюк бўлади!» деган даъваткор сўзлари ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз ижобатини топганини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди.

Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончи тўла тасдиқлайди.

Бундан кўзланган мақсад байрам тадбирларини ўтказиш асносида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг моҳиятини, Юртбошимиз таъбири билан айтганда «Ислохот ислохот учун эмас — инсон учун» деган тамойилнинг мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига етказиб беришдир.

Зеро, барча юртдошларимиз ўтган даврда Ватанимизда қўлга киритилган ютуқлар, эришган марралар моҳияти билан яқиндан танишиб, Ўзбекистондай гўзал ва бетакрор юртда яшаётганидан фахрланиб юриши, эришаётган ютуқ ва муваффақиятларимизда ўз ҳиссаси борлигини англаши, бағрикенглик, юксак ирода, фидойилик каби эзгу хислатларни янада уйғунлаштириб, бундан-да улуғвор ишларга қодирлик ишончи билан яшаши зарур.

Мамлакатимиз таълим тизими хавфсизлигимизни таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунга ёд ғоялар ва мафкураларни танқидий баҳолаш ва зарурат тақозо этса, уларга зарба беришга қодир ижтимоий фаол шахсни шакллантириш, йигит-қизларимизда фуқаролик туйғусини, Она юрт тақдири учун масъулият ҳиссини тарбиялаш орқали эришилмоқда. Бугун бутун дунёда, жумладан, ўзимизда ҳам таълим халқнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши, инсон цивилизацияси йўлида давлатлараро, миллатлараро, конфессиялараро мулоқотнинг, турли маданиятлар ўртасидаги ҳамкорликнинг таъсирчан механизмига, омилига айланди.

Умуман олганда, маънавий-ахлоқий хавфсизлик инсон, халқ ва жамият аъзоларини маънавий хуружлар, ғоявий таҳдидлардан ҳимояланиш тизимини ифодалаши билан бир қаторда миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида умуммиллий манфаатларнинг ҳимоя қилиниши учун йўналтирилган фаолиятни ҳам акс эттиради. Шу нуқтаи-назардан ҳам мазкур жараёни атрофлича таҳлил қилиш долзарб масалалар қаторига киради.

Жамият ва шахснинг ижтимоий ҳаёти тўғрисида фикр юритиш, табиийки, жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий соҳасини фалсафий жиҳатдан таҳлил этишни тақозо этади. Бинобарин, жамият ижтимоий ҳаёти ҳаёти ва унинг тараққиётида муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда чуқур ва мустаҳкам тафаккур, билим, маърифатга эга бўлмасдан, уларни омилкорлик билан амалиётда қўлламасдан туриб, нафақат жамият, давлат, балки оддий инсоннинг ҳаётий фаолиятини ҳам тартибга солиш ва бошқариш мураккабдир.

Ижтимоийлашув шундай жараёнки, унда ожиз чақалоқ ўзи туғилган маданиятнинг моҳиятини тушунадиган, ўзини-ўзи англай оладиган ақлли мавжудотга айланиб боради. Ижтимоийлашув бола ўзи мулоқотга киришаётган нарсалар таъсирини пассив қабул қиладиган «маданий программалаштириш»нинг кўринишларидан бири эмас.

Хаётнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб чақалоқ зарурат ва эҳтиёжлар сеза бошлайдики, улар у ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим бўлган катталар ҳуқ атворига таъсир ўтказди. Ижтимоийлашув турли авлодларни бир-бири билан боғлайди. Чақалоқнинг туғилиши унинг тарбияси учун масъул бўлганлар ҳаётини ўзгартиради ва улар янги тажрибага эга бўлади. Ота-оналарнинг мажбуриятлари, одатда уларни умрининг қолган қисмида болалар билан боғлаб қўяди. Кексалар набира туғилганидан кейин ҳам ота-оналигича қоладилар. Маданий ривожланиш чақалоқлик ва илк болалик даврида кейинги даврларга қараганда интенсивроқ давом этса ҳам, ўқиш-ўрганиш ва мослашиш инсоннинг бутун ҳаётида давом этади.

Ҳозирги жамиятларда илк ижтимоийлашув оиланинг кичик миқёсида юз беради. Турли жамиятларда оила бошқа ижтимоий инситутларга нисбатан турли ўрин эгаллайди. Оилавий тизимларнинг турлари бир-биридан фарқ қилгани учун, бола кириши эҳтимол бўлган мулоқат барча маданиятлар учун бир хил эмас. Чақалоқ ҳаётининг илк босқичида деярли ҳамма жойда энг муҳим шахс она ҳисобланади, бироқ юқорида айтилганидай она ва бола муносабатларининг табиати улар ўртасидаги мулоқотнинг мунтазамлиги ва шакли билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида оила институтлари ва уларнинг жамиятдаги бошқа гуруҳлар билан алоқаларига боғлиқ бўлади. Кўпчилик болалар ўз болалигини оила даврасида, отаси, онаси, ва эҳтимол, яна бир икки бола даврасида ўтказганлар. Ва аксинча, бошқа кўпчилик маданиятларда амаки, амма, буви ва боболар бир оилаларнинг аъзолари ҳисобландилар, бир уйда яшайдилар ва хатто жуда кичик чақалоқларнинг ҳам тарбиячилари бўлади.

Анъанавий жамиятларнинг кўпчилигида оила туғилган индивиднинг бутун умри давомидаги ижтимоий мавқеини белгилайди. Ҳозирги ғарб жамиятларида ижтимоий мавқе туғилишида белгиланмайди. Шунга қарамай қандай ҳудудда ишлаши, оиланинг муайян синфга мансублиги бола ижтимоийлашув характери қатий белгилаб беради. Болалар ота-оналари ёки атрофдаги одамларнинг ўзини тутиш моделларини ўзлаштирадилар.

Катта жамиятларнинг турли секторларида тарбия ва интизомга турлича талаблар қўйилади. Кўпинча қарама-қарши қадриятлар ва удумлар мавжуд бўлади.

Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки Ватанининг тарихини билишни истайди”. Демак, ўз Ватанининг тарихини билиш ҳар бир кишининг маънавий, эвристик эҳтиёжидир. Халқи тарихини билиши орқали, у ўзлигини англайди ва ўзини ўша халқ, миллат вакили эканини, охир натижада эса фуқаролигини намоён этади.

Бу эса тарихни, айниқса Ватани, халқи, миллати тарихини билишни ҳар бир фуқаронинг бурчи даражасига кўтаради. Инсон ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Ижтимоий муҳитни камол, етук қилмай инсонларни баркамол қилиш мушкул. Инсоннинг ўз-ўзини англаши унинг мавжуд бўлган барча қобилиятлари, истеъдодлари, малакаларидан бири, яъни унда мавжуд бўлган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш йўллари излаб топишга ёрдам беради. Шунинг учун ижтимоий ҳаётда адолат, тенглик, инсонпарварлик, эзгуликни, хуллас, маънавиятни тўла қарор топтирмай инсонни баркамол қилиш мумкин эмас.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, маърифий ва маориф тизимидаги ислохотлар шунчаки фаровон ҳаётни эмас, балки маънавияти юксак янги авлодни шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоий муҳитни яратишни назарда тутди.

Фаровонликни таъминлашдан кўра маънавий баркамолликни шакллантириш қийин, айнан ушбу вазифани миллий истиқлол ғояси халқимиз, миллатимизнинг келажагини таъминлаш шарти деб билади. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум.

Фаровонлик ҳамма нарсани давлат яратиб бериши, давлат режалаштириши эмас, у, энг аввало, кишиларнинг эркин фаолияти

натижасидир. Эркин меҳнатга ўрганмаган ва эркин меҳнат қилиб ўзига зарур моддий шароитни яратолмаган киши ҳеч қачон фаровон турмуш қуролмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, кишиларда ўз ихтиёри ва қобилиятига қараб меҳнат қилиш кўникмаларини шакллантириш изчил амалга оширилмоқда. Лекин фаровонлик, бой-бадавлатлик маънавиятни инкор этмайди, балки улар шахсдаги маънавий-ахлоқий ва интеллектуал фазилатларни янада юксалтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам жамиятни янгилашда иқтисод билан бирга маънавиятга ҳам эътибор қаратилмоқда. «Аслини олганда, – деб ёзади М.Имомназаров, на «капитализм», на «социализм» инсониятга бахт келтиради. Асосий масала инсон маънавиятида. Чунки маънавият аввало меъёр, у уйғунликни таъминлайди». Маънавияти юксак шахс бойлик тўплашга муккасидан кетмайди, топганини маънавий камолот йўлига сарфлайди⁶.

Мустақиллик йилларида халқимиз, миллатимиз қалбида, руҳида, онги ва турмуш тарзида ўзлигини англашда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шу билан бирга айрим фуқаролар онгида Ғарб демократияси, оммавий маданияти, индивидуализми таъсирида ўзи учун яшаш кайфияти ҳам шаклланмоқда. Халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа бузғунчи ғоялар миллий ўзликни англашни ҳар бир фуқаро қалбидан, онгидан жой олишига ғов бўлмоқдаки, бу деструктив ҳоллар миллий ғояни юксалтириш йўллариини излашга ва бу борада чуқур илмий-назарий изланишлар ўтказишга даъват этади. Чунки, миллий ғоянинг тизими сифатида ҳамда унинг технологияларини янада чуқур ўрганиши ёшларимизда демократик жараёнлардаги, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишдаги ўрни масалаларини тўғри тасаввур этишни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Комил инсонни вояга етказиш жамият, миллий тараққиётнинг стратегик мақсадидир. Миллий истиқлол ғояси ҳам, маънавий ўзликни

⁶ Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним! “Мустақиллик дарслари” машғулотлари бўйича ўқув қўлланма. – Т., 2016.

англаш ҳам ушбу мақсад атрофида бирлашади, мавжуд ижтимоий-тарбиявий институтлар фаолиятини унга йўналтиради.

Миллий истиқлол ғояси жамиятда ижтимоий ҳамкорликни шакллантиришни ҳам назарда тутди. «Ижтимоий ҳамкорлик – мураса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада, жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади». У табиий ранг-барангликни миллий тараққиёт манфаатларига бўйсундиради. Мамлакатимизда **демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида** юртбошимиз томонидан таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши жамият ҳаётида ўзаро ҳамкорлик, ижтимоий адолат асосида фаолият юритиш қонунийликнинг таъминланиши билан биргаликда барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш мамлакатда миллатлараро тотувлик, тарихий урф-одат ва анъаналаримизни бугунги кун нуқтаи назаридан ўзликни англашнинг негизи сифатида қаралиши тараққиёт ва барқарорлик шарти бўлиб ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, миллий ўзликни англаш ҳар бир миллат вакилининг мавжудлик моҳиятида ўз ўрнини идрок этиши, ижтимоий-тарихий ва маънавий-маданий тараққиётда ўзининг яратувчанлик фаолияти, эвристик изланишлари, интеллектуал салоҳиятига боғлиқлигини, шунингдек, ҳаёти ва фаолиятини тараққиёт талаблари нуқтаи назаридан рационал ташкил этиш, бошқариш зарурлигини англашидир.

Миллат вакиллари ўртасида ижтимоий тараққиёт мақсадларида якдиллик бўлиши миллий онг, ўзликни англашнинг бош талабидир. Шахс миллатнинг мақсадлари, ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ғояларини қабул қилмай, у билан якдил бўла олмайди.

Мустақиллик буюк ижтимоий-сиёсий воқелик сифатида миллатимизда ўзлигини тўғри ва тўлиқ англаш имконини яратди; иккинчидан, мустақиллик

туфайли миллатимиз, унинг ҳар бир вакили ҳаёти ва келажагига ўзи хўжайин, ўзи масъул, эканини англади, умуминсоний тараққиётда ўз ўрни, улуши борлигини билди; учинчидан, демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилишининг концептуал асослари яратилиши билан ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришда миллий ўзликни англашнинг умуминсоний онг даражасига кўтарилиши ҳамда тарихий, миллий, маънавий-ахлоқий қадриятларга бўлган эҳтиёж ҳамда талаб ҳам ортиб бориши кузатилмоқда.

Умуман олганда, ўзликни англаш ушбу вазифаларни бажаришда фаол қатнашади, чунки ижтимоий ҳамкорлик унга ўзини тинчликда, ижодий муҳитда тўла намоён қилиш имконини беради. Агар шундай ижодий муҳит ва ижтимоий ҳамкорлик ўрнатилмаса ўзликни англаш деструктив таъсирларни бартараф этиш, бузғунчи ғоялар билан курашиб, ўзининг ижобий кучларини тўла намоён қилиш имконидан маҳрум бўлади.

Маълумки, Озод ва обод ватан эркин ва фаровон жамият қуриш миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси. Инсоннинг ижтимоий-сиёсий моҳияти фақат озодлик ва эркинлик шароитидагина тўла-тўқис намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги асосий мақсади — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлиб, бу ғоя миллатимизнинг азалий орзу-умидларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини ифодалайди. Тарихга назар ташласак, сиёсий жиҳатдан озод ва эркин бўлган даврларда юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти гуллаб-яшнаганини, мустамлакачилик шароитида эса у чуқур инқирозга юз тута бошлаганини кўрамыз.

Мустақиллик миллий қадриятлар, маданият ва анъаналарни, маънавияни тиклаб, одамларимиз қалбида миллий ғурур ва ифтихорни, озод ва обод Ватан туйғуларини камол топтиришга замин яратди. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясида “мустақиллик”, “озодлик”, “эркинлик” тушунчаларининг устувор ва етакчи ўринда туриши, Ватан озодлиги барча

орзу-интилиш, истиқлолни мустаҳкамлашга доир амалий фаолият кўлами ва йўналишлари учун асос эканидан далолат беради. Зеро, биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки ҳаётимизни ўз иродамиз билан миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ғояси: биринчидан, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган, киндик қонимиз тўкилган муқаддас заминнинг дахлсизлигини, хавфсизлигини таъминлаш; иккинчидан, маънавий-руҳий жиҳатдан миллий ўзлигимизни англаш ва унинг ифодаси бўлган қадриятларни сақлаш, бойитиш ва авлодларга мерос қолдириш; учинчидан, эрксевар халқимизнинг асрий орзу-умиди бўлган мустақилликни мустаҳкамлашга барчани сафарбар этиш; тўртинчидан, ҳар бир кишининг фаровонлиги давлат, миллат фаровонлигининг пойдевори эканини англаган ҳолда ташаббускорлик, тadbиркорлик билан фидокорона меҳнат қилишга асосланади; бешинчидан, бу ғоя келажакка қаратилган бўлиб, халқни жипслаштириш вазифасини бажаради; олтинчидан, ушбу ғояда мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакилларининг пировард мақсадлари ифодаланган бўлиб, у кишиларни келажакка чорловчи улуғвор ва жозибали шиор тарзида намоён бўлади.

Бу ғояни халқимиз онги ва қалбига чуқур сингдириш мустақилликни мустаҳкамлаш, буюк келажак қуриш, Ўзбекистоннинг илғор давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишининг муҳим омилидир. Биз она деганда Ватанни, Ватан деганда онани тушунамиз. Аёлни, онани улуғлаш эса Ватанни, юртни улуғлашдир.

Ҳақиқатан ҳам Ватан ягонадир, Ватан биттадир. Унинг буюк келажаги ва фаровонлиги учун, халқимизнинг тотувлиги, миллатлараро жипслиги ва ҳамжиҳатлиги учун қурашиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги

ва самарасини таъминлаш - мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг мазкур босқичида олдимизда турган энг долзарб вазифадир.

Давлат ва жамият ҳаёти ва инсон ҳаёт фаолиятида кадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Кадриятлар бу аввало нарса ва ҳодисаларнинг аҳамиятли жиҳатлари ва уни баҳоланишидир. Инсоннинг касал бўлганида соғлиги кадриятдир, уруш вақтида эса тинчлик кадрият ҳисоланади.

Кадрият тушунчасига қарашлар турлича бўлиб, унинг ўзига хос таърифи Президент И.Каримов томонидан келтирилган:”Албатта, биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари кадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни кадрият” деб биламиз. Инсоннинг кадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, миллий ғурури – миллий, маънавий кадриятлар билан бевосита боғлиқ.

Улар ҳар бир кишининг тили, тарихи, дини, адабиёти, санъати, расм-русмлари, урф-одатлари, байраму-сайллари, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий мероси, инсоний фазилатлари, хислатларининг йиғиндисидир. Давлат ва жамият ҳаётида кадриятлар устуворлиги бир томондан осудалик ва тинчлик омили ҳисобланса, иккинчидан, фаровон ҳаёт ва барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим ҳисобланади. Мустақиллик туфайли биз ўз кадриятларимизни тиклаш ва ундан баҳоли қудрат фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик. Бу эса, жамиятни маънавий жиҳатдан янгиланишида миллий кадриятлар устуворлиги кишилар ва миллат ҳаётини турфа, гўзал бўлишида муҳим омил бўлса иккинчидан, кишиларни бири-бирига яқинлаштириб маънавий-руҳий уйғунликни, муштарак мақсад йўлида яқдилликни таъминлайди.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас”. Бу, энг аввало ўзбек тилига давлат тили мақомини берилиши, иккинчидан, кирилл

графикасига асосланган ёзувдан лотин тилига ўтилиши, учинчидан, иккита диний байрам “Иди рамазон”, “Иди қурбон” ҳамда “Наврўз” байрамини қайта тикланиши, тўртинчидан мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи ғоят долзарб аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилади.

Шунинг баробарида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги боғлиқ бўлган омиллар: Халқ маънавиятининг тикланиши; Бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши; Анъана, урф-одатларимизнинг сақланиши; Маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини; Жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқ оламшумул ўзгаришларни таъкидлаш ва эътироф этмоғимиз лозим.

Мамлакатимизда Ислом динининг бой маънавий ва маданий қадриятларини тиклаш ва кенгайтириш чоралари кўрилди. Жумладан, Президент И.Каримов 1992йил 7мартда “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилиш тўғрисида” Фармонни қабул қилди. Мусулмон ҳаётидаги қутлуғ саналар – Қурбон ва Рамазон ҳайитлари кунларини бундан буён доимий равишда байрам қилиш ва уларни дам олиш кунлари, деб эълон қилиниши ҳам айнан халқимиз кўнглидаги иш бўлди. 1992йил 27мартда Ўзбекистон Президентининг “Рўза ҳайитини дам олиш куни, деб эълон қилиш тўғрисида” Фармони эълон қилинди.

Жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид ва мадрасалар қуриш, эскиларини тиклаш – таъмирлаш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилди. Айни чоғда бу борада бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча фуқаролар учун виждон эркинлигини кафолатлайди.

Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси

Конституциясида диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди, деб ёзилган. Шу муносабат билан жамиятимизда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини ва динга эътиқод қилиш ҳуқуқини таъминлаш, динга муносабатидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг тенглигини таъминлаш ишида ҳанузгача баъзи бир камчиликлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Олий Мажлиси XI сессияда (1998 йил апрель) “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилди.

Мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди (1989 йил 10 октябрь);Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида қонун қабул қилинди (1993 йил 2 сентябрь);Бу билан боғлиқ муҳим маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди; Миллий урф-одатларимиз тикланди;Тарихий хотирага алоҳида аҳамият берила бошланди; Қатағон қурбонларини ёд этиш куни нишонланадиган бўлди (2001 йил 31 август);Хотира ва қадрлаш куни нишонланадиган бўлди (9 май);Хотира майдони ташкил этилиб мотамсара Она ҳайкали ўрнатилди.Ана шу майдонларда барпо этилган ёдгорлик мажмуаларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари махсус ишланган лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қўйилгани, улар ҳақидаги маълуматлар жамланган 35 жилддан иборат “Хотира” китоби чоп этилгани, айтиш мумкинки, мамлакатимиз тарихида ибратли маънавий воқеа бўлди.

Миллий, маънавий қадриятлар ўша миллатга мансуб ҳар бир киши томонидан яратилган, инсонийлик, одамийликка хос фазилатлар, хислатларни миллий-маданий мерос хазинасига қўшган ҳиссасини ифодаловчи буюк кўрсаткичдир. Миллий ва умумбашарий қадриятлар, шубҳасиз, миллатнинг равнақи ёки инқироzi билан бевосита боғлиқ бўлади. Бошқача айтганимизда, миллий қадриятлар миллатнинг ўтмиши ва бугуни билан боғлиқ. Шу ўринда ушбу қадриятнинг миллий ғоя билан қанчалик уйғун ва узвий боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Миллий кадриятлар ўтмишдан бугунги томон ҳаракатда бўлган жараёндир. Шунинг учун ҳам, миллий, маънавий кадриятлар аجدодлардан авлодларга ўтиб туради. Ўз навбатида аجدодларни авлодлар билан боғловчи кўприк воситаси вазифасини бажаради.

Халқ турмуш тарзи ва маънавиятининг таркибий қисмини унинг азалий удумлари, одат, маросим ва байрамлари ташкил қилади. Шу боис мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий тикланиш ҳақида гапирганда халқнинг азалий кадриятларини тиклаш борасида олиб борилган ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикасида демократик, эркин, ҳуқуқий, бозор иқтисодиётига асосланган ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим омилларида бири миллий ва умуминсоний кадриятларнинг, хусусан миллий-маънавий мероснинг тикланиши ва янгиланишидир.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг миллий-маънавий меросини тиклаш ва янгिलाш ҳамда улар онгига етказиш ва турмушига сингдириш муҳим долзарб вазифалардан бири сифатида кун тартибидатурибди. Чунки Президент И.Каримов фикри билан ифодалаганда мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни тиклаш давлатимиз сиёсатининг ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик устувор вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди. Бундай ўзгаришларни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат бўлган узвий жараён деб баҳолаш мумкин.

Истиқлол одамлар онгида маданий-маънавий, ахлоқий ва миллий кадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида миллий-маънавий мерос ва кадриятларни тиклаш ва тарғиб қилишни яхшилаш учун бир қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тан олиб айтиш лозимки, миллий-маънавий меросга янгича муносабат давлат миқёсида юртбошимиз И.Каримов раҳбарлигида амалга оширила бошланди. Энг аввало миллий маънавиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган боболаримиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Ибн Сино, Ал-Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб аجدодларимизнинг миллий ва маънавий мероси халқимизга қайтарилди, таваллуд топган кунлари жаҳонда ва мамлакатимизда нишонланиб, руҳлари шод этилди ва асарлари нашр этилди ҳамда қадамжолари обод қилинди.

Ислом олами алломаларининг диний қарашлари, ижодий фаолиятлари ўрганилиб, таваллуд топган кунлари байрам қилинди. Уларга ёдгорлик майдонлари яратилиб ҳайкаллар ўрнатилди. Бу тадбирлар юртимизда иймон, диёнатнинг қайтадан тикланишига олиб келмоқда. Уларнинг маънавий мероси бугунги кунда халқимизга янги жамият қуришда маънавий куч-қудрат бағишланмоқда, жамиятимизни маънавий юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2014 йилнинг 14-15 май кунлари Самарқанд шаҳрида Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини янада чуқур ўрганиш, мулоҳаза юритиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо бериш мақсадида ўтказилган халқаро илмий конференция мустақиллик тарихи даврида ёрқин ва ўчмас из қолдирди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган таниқли олимлар, машҳур тадқиқотчилар иштирок этган мазкур конференцияда И.Каримов ўрта асрлар Шарқ алломалари, асосан Ўрта Осиё муқаддас заминидан чиққан буюк мутафаккирларнинг дунё тамаддунида қўшган ҳиссаси хусусида маъруза қилди ва уларнинг дунё илми ва фанида тутган ўрнини аниқ манбалар билан кўрсатиб бериб, илм-фаннинг жамият тараққиётидаги ролини очиқ берди.

Таъкидлаш лозимки, юрт тинчлиги, ватан равнақи, ободлиги, динлараро бағрикенглик, миллатлараро ҳамкорлик, баркамол авлод тарбияси миллий ғоянинг асосий тушунчаси ҳисобланиб миллий қадриятлар билан уйғун. Шу нуқтаи назардан олганда, миллий ғоя ва миллий-маънавий қадриятлар орасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлиб, бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, миллий-маънавий қадриятлар миллий ғоя учун маънавий негиз, манба бўлиб хизмат қилади, иккинчидан, миллий ғоя қадриятларни бойитиш, янада юксак босқичга кўтариш, одамлар онги ва қалбига миллий қадриятларни сингдириш омили бўлиб ҳисобланади, учинчидан, миллий ғоя халқнинг туб манфаатлари нуқтаи назаридан мавжуд маънавий қадриятларга баҳо беради, ижобий жиҳатларни ривожлантириш, салбий ҳолатларни инкор этишнинг маънавий мезони бўлиб майдонга чиқади.

Ҳаётда амалий ва рационал нуқтаи назардан қадриятларни эътироф этиш ёки эътироф этмаслик инсонлар, социал гуруҳлар, сиёсий кучлар-институтлар фаолиятида турли хил натижалар беради. Уни тушуниш учун: а) индивидуал (алоҳида шахсни); б) жамиятни; в) давлатнинг мақсад ва фаолиятини ҳисобга олиш керак. Яъни миллий ва умуминсоний қадриятларни “шахс-жамият-давлат” муносабати тизимида бир-бири билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, ақл орқали унинг кўпроқ амалий фаолиятидаги кўринишлари намоён бўлади. Чунки, инсон индивид сифатида оила ва жамият ҳаёти билан боғланар экан, таълим-тарбия орқали ҳаётида амал қилган миллий ва умуминсоний қадриятларни англай бошлайди. Ва унинг ижтимоийлашиши орқали қадриятларни эътироф этиш ҳодисаси содир бўлади.

Инсоннинг ижтимоий ҳаётга киришиши туфайли шахсий (индивидуал) сифатлари намоён бўлади. Шунда шахснинг жамиятдаги қадриятларга таяниши ёки таяна олмаслик, ўз ўрнини топиш ёки топмаслик ҳолати кузатилади. Бунда: а) қадриятларни қабул қилиш ва уни эътироф этишга ижобий таъсир этувчи омилларни; б) қадриятларни эътироф этишга салбий

таъсир кўрсатувчи омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Бу кўпроқ онг ва тафаккурдан турғунлик, маданиятдаги биқиклик, ўзгаришларни, янгиланишларни қабул қилмаслик ва ўзининг маданиятини устун қўйишга интилиш руҳияти билан боғлиқ. Бугун кадриятлар ҳам, кадриятларга қараш ҳам ўзгариб бормоқда. Лекин жамият ҳаётида кадрланадиган тушунча ва ғоялар, масалан, мустақиллик, эркинлик, демократия, инсон эркинлиги, шаъни, кадр қиммати, манфаати устуворлиги, адолат билан боғлиқ умуминсоний тушунчалар ҳеч қачон қадрсизланмайди.

Жамиятда эътироф этилган кадриятлар: 1) инсонларни тартибга солувчи меъёрлар; 2) амал қиладиган нормалар; 3) урф-одатлар; 4) анъаналар; 5) ижтимоий ҳаётни ташкил этувчи омиллар; 6) инсон хатти-ҳаракати, ахлоқини ўзаро мувофиқлаштирувчи меъёрлар; 7) инсон ҳаётига (моддий, маънавий) айрим ўлчамларни берувчи, нима мумкин ва мумкин эмаслигини белгиловчи ҳолатлар; 8) инсон эркинлигининг нормалари, социал асосларда умумий андозаларини беради. Бу андозаларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, амал қилиш ёки қилмасликда инсон ўзича эркин бўлиб қолаверади. Аммо, инсонни жамият билан муносабатида, кадриятларни ҳисобга олишда, ижтимоий маъсулиятни англамасдан, уларни эркинликни мутлақ тушуниши билан боғлиқ ҳолати кадриятларга салбий қарашига сабаб бўлади. Шу сабабли давлатимиз сиёсатининг негизини ижтимоий адолат ташкил қиладди. Бу тамойил бунда қуйидаги вазифаларни бажармоқда:

- ҳар бир миллат ва элатнинг миллий кадриятларини сақлаш ва ривожлантириш;
- жамият аъзоларининг урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш;
- одамлар ҳаётини фаровонлаштириш ва тартибга солиш;
- давлат бошқарувида инсонпарварликни сақлаб бориш.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бошлаб, “бу мамлакат кўп миллатли, энди унда миллатлараро низолар келиб чиқади”, – дея “башорат” қилувчилар кўпайган эди. Бу ҳолатни ҳамон кутиб юрганлар бор.

Лекин, давлат ва жамият бошқарувида ижтимоий адолатга асосланиш Ўзбекистонда яшаётган миллат ва элатларнинг миллий қадриятларини сақлаб қолиш имконини бери. Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратилди:

- 1) ҳар бир миллат ва элатга ўз урф-одатлари ва анъаналарига амал қилишга йўл бериш;
- 2) жамиятда миллий тотувликни ва ҳамжиҳатликни сақлаш;
- 3) демократик жамият шароитида урф-одат ва анъаналарни сайқаллаштириб бориш.

Албатта, турли хил миллий ва умуминсоний маданий негизда шаклланган қадриятлар бир-биридан фарқли бўлган манфаатлар тизимига ҳам асосланади. Бири ижтимоий, умуминсоний манфаатларни эътироф этиб, уни ҳисобга олишда масъулият сезса, бошқаси эса, уни эътироф этмайди ёки унга хоҳиши йўқ. Бундай тоифа инсонларда кўпроқ умуминсоний қадриятларни баҳолашда ижтимоий-маънавий моҳият эмас, аксинча инсонийликни иккинчи ўринга қўйиш, кўпроқ “истеъмолчилик”га асосланган, моддийлик билан боғлиқ қадриятлар устуворлик қилади. Истеъмолчилар жамиятига хос хусусиятлар кўпроқ намоён бўла бошлайди. Охир-оқибатда инсон оламида “моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги” билан боғлиқ қонуният бузилади. Чунки истеъмолчилик кайфиятига мойил инсон бунёдкорлик сари эмас, нафс, ейиш-ичиш, яхши яшаш илинжида ўзи учун алоҳидалик муҳитини, муносабатини кутиб, “хурматталаб” бўлиб қолади. Онг ва тафаккури ҳам шунга, “индивидуализмга” тобе бўлади.

Бугунги кунда миллий ва умумбашарий қадриятлар рўёбини маҳалла, ННТ ва сиёсийпартиялар фаолиятида кўришимиз мумкин.

Хусусан, демократия мактаби, қадриятларимиз бешиги ҳисобланган маҳаллаларда миллий қадриятларимиз янада ривожланиб бормоқда.

Маҳалла кексаларининг ўз тажрибалари асосидаги панд-насихатлари, уларнинг эришган ютуқлари ёшларни кенг дунёқарашли, иродали ва мард, жасур бўлиб етишишида, миллий ифтихор, миллий ғурур, эртанги кунга ишонч туйғуларини шаклланишида беқиёс аҳамият касб этади. Шу маънода

юртбошимиз Илом Каримов ёшларни ахлоқан етук камол топишида кексаларнинг ўрни жуда муҳимлигини алоҳида таъкидлайди: “Қайси уйда кекса инсон бўлса, у ерда ўзгача файз ва барака бўлади. Болаларнинг тарбияси ҳам, одоби ва ахлоқи ҳам умуман бошқача бўлади. Биз бугун қарияларимизни қандай кадрласак, қандай эъзозласак, келгусида болаларимиз ҳам бизни худди шундай эъзозлайди. Кимки шу ҳаёт ҳақиқатини тушунмаса, минг афсуски, келажакда тақдири ҳавас қиладиган даражада бўлмайди”.

Дунёдаги ҳар бир халқ ўз қадриятларига суяниб уларни авайлаб-асраб, уларга амал қилиб яшайди. Бу масаланинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун Юртбошимизнинг “азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган”, деган сўзларини эсга олиш кифоя. Қадрият кишилар тафаккурига сингиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлардан иборат бўлиб, кишиларнинг турли соҳалардаги, аввало, ишлаб чиқариши, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Табиат ва жамият ҳодисалари инсоннинг моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш, яратувчанлик фаолияти туфайли, унинг эҳтиёжларини қондириш натижасида қадриятлилик аҳамиятига эга бўлади. Иккинчи туркумга оид бўлган ахлоқий қадриятлар инсон маънавий камолоти сарчашмаларидан бири бўлиб, у туфайли жамият раванг топади, фуқароларнинг бахт-саодат ҳақидаги орзу-умидлари рўёбга чиқади.

Инсоният тарихи ва тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат ва жамият, халқ ҳамда миллатнинг барқарор ривож, фаровон ҳаёт кечириши мустақиллик ва у берган неъмат билан ўлчанади. Мустақиллик учун кун, ойлаб ва ҳатто йиллар асрлар давомида кураш олиб борилганлигини тарихий воқеа ва фактлардан билиш мумкин. Мустақиллик бу – мустамлакачилик асоратида бўлган миллат ва халқларни, уларга мансуб бўлган илғор кишиларни озодликка, ўз эркини қўлга киритишга ундайдиган ғоя.

Ана шу ғоя асосида улар эзгулик ва озодлик учун курашга отланадилар, ана шу йўлда жон фидо қиладилар. Бу борада замон, давр ва худуднинг ўзгариши воқеалар жараёнини ўзгартирмайди, яъни жамият тараққиётининг ҳар бир даврида мустақиллик ғояси асосан бир хил тамойилларга (эрк ва озодлик учун курашга) таянган фаолият учун маънавий омил бўлган. Масалан, миллоддан аввалги IV асрда македониялик Искандар ёки XIII асрда Чингизхон босқинидан сўнгги истибдоддан қутилиш учун халқимизнинг кураши ана шундай тамойилларни акс эттиради.

Мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан куриш йўлида бекиёс имкониятлар очиб берганини кенг ёритиш; мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишларнинг маъно-мазмунини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб бериш; юртимизнинг илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланганини чуқур таҳлилий асосда талқин қилиш. Бу борада иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани кўп нарсадан далолат беради. Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва

тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг жадал ривожланаётгани билан боғлиқ факт ва рақамларга алоҳида урғу бериш;

мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани мисолида кенг кўламли иқтисодий ислохотларимизнинг амалий самарасини кўрсатиш;

олдимизга кўйган юксак марраларга эришиш йўлида мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимизнинг локомотиви бўлган етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимизда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириб бориш, Конституциямизда кўзда тутилган хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш каби ўта муҳим йўналишларнинг аҳамиятини жамоатчилигимизга, халқимизга содда ва таъсирчан усулларда етказиш каби долзарб масалалар хали олдимиздаги улкан вазифалардандир.

Жумладан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш учун, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, қатъият билан илгарилаб боришимизга асос бўлаётган мезон ва омилларнинг моҳиятини очиб бериш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилгани, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи кучга айланиб бораётганини кенг ёритиш;

юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини;

ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5 карра, картошка – 1,9 марта, сабзавот – 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайгани ва бошқа ҳаётий мисолларни мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори сифатида акс эттириш;

мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф – мулкдорлар синфининг жадал ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етгани, айтиш тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётганини таҳлилий асосда кўрсатиш;

жамиятимиз ҳаётини бутунлай ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қилаётганини теран ифода этиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун амалга оширилаётган улкан ишларга алоҳида аҳамият бериш. Жумладан, давлат бюджетимизнинг социал соҳаларга йўналтирилган йиллик

харажатлари изчил ошиб бораётганини, биргина 2015 йилда ушбу рақам 60 фоиздан ортганини бу борадаги кенг кўламли ислохотларнинг мантикий натижаси сифатида кўрсатиш;

ёш авлодимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг моҳиятини, хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани ва бошқа мисоллар асосида ана шундай амалий ишларимизнинг аҳамиятини атрофлича ёритиб бериш;

юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва миллий армиямизнинг салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган, кўлами ва миқёсига кўра улкан ўзгаришлар бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур очиб бериш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш ҳақидаги ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини атрофлича ёритиш. Хусусан,

мамлакатимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийларимизнинг хорижий мамлакатлардаги жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик бўйича қонуний асосда белгилаб олинган қатъий позициясини кенг жамоатчиликка етказиш⁷.

1.2. Ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар.

Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилиқ тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш, жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ривожланитириш, маданият, хусусан, маънавий ва иқтисодий тафаккурнинг мазмун-моҳияти, тараққиёт қонунлари, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўрни масаласи, авваламбор, фалсафий-иқтисодий тушунишни тақозо этади. Иқтисодиёт жамият ҳаётининг энг мураккаб тизимларидан бири сифатида озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, ишлаб чиқариш қуроллари ҳамда воситалари каби чексиз нарсаларга умумий эҳтиёжлар ва уларни қондиришнинг усуллари мавжудлигини гавдалантиради.

Қадимги юнон файласуфи Арасту айтганидек, моддий неъматларни айирбошлаш меҳнат тақсимооти туфайли юзага келган. Бирон-бир нарсага кишиларда эҳтиёж бўлмаганда, айирбошлаш мутлақо йўқ бўлар эди. Бундай айирбошлашсиз нафақат кишилар, давлатнинг ҳам яшаши мумкин эмас⁸.

Иқтисодий фаровонлик даражаси ва унинг ўсиши, инсон омилини фаоллаштирадиган тадбиркорликнинг самарадорлиги, меҳнат мазмундорлигининг бойиб бориши, таълим тизими субъектлари

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-2540-сонли қарори. Халқ сўзи, 2016 йил 2 июнь.

⁸ Ғарб фалсафаси.-Т.: Шарқ, 2005, 141 б.

маънавиятини қарор топтириш ва такомиллаштириш кўп жиҳатдан кишиларнинг иқтисодий маданияти даражасига боғлиқдир.

Бинобарин, «юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жиҳатдан етук шахсина иқтисодий эркин бўлиши, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин. Бу ҳақиқатни тушуниш халқнинг маънавий ва маданий ҳаётини яхшилиш, таълим-тарбиянинг бутун тизимини янгилаш жараёнининг замирида ётиши керак»⁹.

Маънавий ва иқтисодий тафаккурнинг ўзаро таъсир қонуниятлари иқтисодий маданиятда ўз аксини топади. Шундай экан, бозор иқтисодиёти шароитида ўзгаришларнинг моҳиятини тўлақонли тушуниш учун уларнинг жамият маънавий ҳаёти ҳодисалари, маданияти билан узвий боғлаб ўрганиш муҳим илмий-назарий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Жамият ва шахс маънавий ва иқтисодий тафаккурининг назарий-методологик асосини ўрганиш жамият иқтисодий маданияти мазмунини илмий тадқиқ ва таҳлил қилиш кўп жиҳатдан тадқиқотчининг фалсафа, хусусан иқтисод фалсафасига суянишига боғлиқдир.

Маънавий ва иқтисодий тафаккур ҳозирги информацион жамият амал қилишида унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий моделини асослаб беришда белгиловчи роль ўйнайди. Иқтисодий реаллик борлиқнинг таркибий қисми сифатида табиат билан инсон ўртасида модда алмашинуви, инсон билан инсон ўртасида моддий алоқалар асосида турган муносабатнинг муҳим томонини ташкил этади, ўз эҳтиёжларини қондиришнинг объекти сифатида табиатни инсон иқтисодий муносабатлар доирасига олиб киради, моддий неъматлар яратиш жараёнида ўз манфаатлари тизимига мувофиқ уни сунъий ўзгартиради, бошқача айтганда, «табиат - инсон» муносабатларига гуманистик мазмун бахш этади.

Бинобарин, «озик-овқатдан маҳрум мавжудот яшай олмайди; овқат ҳаёт фаолиятини таъмин этади. Овқатнинг бир қисми бевосита табиатнинг

⁹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-т.-Ўзбекистон, 1996, 358-б.

ўзидан олинади, баъзи қисми эса бошқа нарсалар билан аралашиш воситасида ташкил топади»¹⁰.

Инсон жонли зот сифатида муайян манфаатларга асосланиб, кадриятларга таяниб, фаолиятининг оқибатларини олдиндан мўлжалга олиб, табиат билан муносабатга киришади. Демак, унинг табиатга муносабати маънавий асосланган фаолиятдирки, бу жараёнда иқтисодни инсонийлаштириш юз беради, иқтисодий маданиятнинг ўзагини ташкил этувчи маънавий тамойиллар юзага келади¹¹.

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини ҳозирги кунда ижодий эркинлаштиришга устивор аҳамият берилаётган экан, табиийки, бу нарса маънавий ва иқтисодий тафаккурни соғломлаштиришнинг негизини ташкил этади. Шу маънода жамиятни янгилашда, ислоҳ этишда иқтисодни янада эркинлаштириш асосий устивор вазифа қилиб қўйилмоқда¹². Иқтисодиётни эркинлаштириш шахс эркинлиги билан чамбарчас боғланган бўлиб, бозор муносабатлари негизида иқтисодиётни янада ривожлантириш билан чегараланмайди, балки шахс камолатини таъминлашда объектив муҳит ролини ҳам бажаради, унинг руҳий олами, миллий ўзлиги ва шахсий фазилатларини тарбиялашга хизмат қилади.

Бу жараёнда эволюцион ривожланиш, босқичма-босқич ўзгаришлар иқтисодни табиий асосда инсонлаштиришга йўналтирилади, уни ўз моҳияти ва тараққиёти қонунлари асосида ривожланишини таъминлайди, ташаббускорлик, мулкка эгалик қилиш эҳтиёжларини қондиради, моддий неъматлар яратишда ижодкорлик ва омилкорликни тарбиялайди, турли субъектлар ўртасида ўзаро манфаатдорлик туйғусини таркиб топтиради, пировард натижада шахснинг эркин камол топишини, ижодий фаоллигини реаллаштиради, бошқача айтганда, бу жараёнда иқтисодий муносабатлар инсоний, маънавий, маданий, маърифий муносабатлар тусини олади.

¹⁰ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шакри. –Т.: Халқ мероси нашриёти, 1993., 98-б.

¹¹ Юсупов Э. Шарқ фалсафаси ва инсонпарварлик.//Жаҳон адабиёти, 2003, 10-сон, 56-б.

¹² Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-т. –Т.: Ўзбе кистон, 2005. 209-б.

Бу эса, ўз навбатида, шахс маънавий ва иқтисодий тафаккурининг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, «ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлиги унинг ўз муваффақияти ҳамда ўз оиласининг фаровонлиги учун иқтисодий масъуллиги билан қовуштириб боришга асосланган иқтисодий муносабатларни қарор топтириши керак. Ўз ижодий қобилиятлари ва имкониятларига таянишни назарда тутган муносабатлар ҳар бир киши фаровонлигининг ягона ва муҳим манбаидир»¹³.

Жамият ва шахснинг маънавий ва иқтисодий тафаккури, ижтимоий ҳаёт тушунчаси нафақат иқтисод фалсафаси, балки маданият фалсафаси негизида ҳам қараб чиқилиши илмий эътироф этилган. Бундай тадқиқотларнинг асосида маданиятнинг ижтимоий роли тўғрисидаги энг умумий тавсифлар асосий ўрин тутди.

Жамият маънавий ва иқтисодий тафаккурининг моҳият-мазмунини, унинг амал қилиш қонуниятлари, функцияларини таҳлил қилиш, табиийки, унинг соҳиби, ижодчиси, яратувчиси тўғрисидаги масалани келтириб чиқаради. Илмий адабиётлардан ўрин олган назарий-методологик кўрсатмалар маданиятни ғоят мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида қараб чиқишнинг турли йўллари билан белгилашга имкон беради.

Маънавий ва иқтисодий тафаккурнинг субъекти сифатида шахс тўғрисида фикр юритганда маданият ҳақидаги фаолиятли ёндашув концепциясига асосланиш мақсадга мувофиқдир, негаки, бу ёндашув, бир томондан, инсоний фаолият маданиятнинг ўзагини ташкил этиши, иккинчи томондан, маданият инсон камол топиши ва ривожланишининг ўзига хос усули эканлигига асосий урғу беради. А.Г.Гельдиевнинг тўғри тавсифлашича, инсон хатти-ҳаракатларига таъсир этадиган ижтимоий тизим ва тизимчаларнинг ўзи кишилар ижтимоий фаолиятининг асосий натижалари ва функциялари ҳамдир, реал шахс эса асосий вақтда ижтимоий тараққиётнинг

¹³ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 т. 358 б.

ҳам маҳсули, ҳам негизи, демакки, ижтимоий фаолиятнинг ҳам субъекти, ҳам маҳсулидир¹⁴.

Тадқиқотимиз ўзбек ижтимоий-фалсафий адабиётларида нисбатан кам ишланган маънавий ва иқтисодий тафаккур уйғунлиги муаммосига бағишланганлиги учун масалани тўғри тасаввур этишда, бир томондан, маънавий ва иқтисодий тафаккур тушунчасининг моҳияти, унинг таркибий қисмлари ва намоён бўлиш хусусиятларини таҳлил қилиш, иккинчи томондан, маънавий ва иқтисодий тафаккурнинг ижтимоий тараққиётда тутган ўрни ва ролини аниқлаб олишни тақозо этилади. Маданиятнинг моҳияти ҳақида чуқур ва тўлароқ тасаввурга эга бўлиш маънавий ва иқтисодий тафаккур таҳлилини асослашга имкон яратади. Маънавий ва иқтисодий тафаккурнинг ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир, деган концепция ижтимоий-фалсафий адабиётларда қайта-қайта тилга олинади. Буни қандай тушунмоқ керак? Инсон табиат сирларини тобора кўпроқ кашф қила борган сайин унда келажак ҳақидаги орзулар шакллана бошлади. Эртага бугунгидан яхшироқ яшаш орзуси маданиятнинг пайдо бўлишининг негизидир, дейиш мумкин. Кўпроқ билим эгаллашга интилиш, кўпроқ ихтиролар қилишга хатти-ҳаракат, ҳаётни фаровонлаштиришга иштиёқ – буларнинг ҳаммаси ўз навбатида маданиятнинг ривожланиб бориш жараёнидир.

А. Г. Спиркиннинг фикрича, маданият нафақат моддий ва маънавий бойликлар, қадриятлар мажмуи, шу билан бирга уларни яратиш усуллари, бир авлоддан иккинчи авлодга етказиш, инсоният тараққиёти учун улардан фойдаланиш кўникмалари ҳамдир¹⁵. А.Г.Спиркин бутун табиий-тарихий ҳамда ижтимоий жараёнларни яхлит, узвий ҳолда, ўзаро таъсир ва алоқадорликда олиб таҳлил қилар экан, юқорида таъкидлаганимиз тўртта (табиат, жамият, инсон ва тафаккур) тушунчалар ёнига меҳнат ва техникани қўшади, аниқроғи, табиат, жамият, инсон, тафаккур тараққиётини, улар

¹⁴ Ўша асар, С.37-38.

¹⁵ Қаранг: Спиркин А.Г. Философия.-М.:Гардарики, 2000,С.762.

ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликни меҳнат ва техниканинг келиб чиқиши, такомиллашуви ва буюк яратувчилик моҳияти орқали белгилайди. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, шу кенг, мураккаб, ички зиддиятли жараёнлар бағрида маданият деган тушунчанинг мазмун-моҳияти аниқ кўзга ташланади.

Шу нуқтаи назардан маънавий ва иқтисодий тафаккур инсоннинг ихтисослик ҳамда иқтисодий билимларининг меҳнат, мулк, уни асраб-авайлаш, тежамкорлик каби фазилатларга виждонан муносабатда бўлиши билан уйғунлашуви, шунингдек, иқтисодий билимлар ва эътиқодларни амалий ишлаб чиқариш фаолиятида қўллай олишга тайёр эканлигини назарда тутати. Маънавий ва иқтисодий тафаккурни структуравий томондан таҳлил этиш унинг “объекти-субъекти” масаласини назарда тутати, шундай экан, жамиятнинг маънавий ва иқтисодий тафаккури субъект, иқтисодий фаолият ва иқтисодий муносабатлар—объект тарзида намоён бўлади. Шулар асосида янги объект-шахснинг иқтисодий маданияти шаклланади¹⁶, -деб ёзилади адабиётларнинг бирида. Бизнингча, бу фикр маълум даражада мунозаралидир. Негаки, бу ерда «объект- субъект» масаласи, биринчидан, иқтисодий маданиятнинг универсал характеридан келиб чиқиб, иккинчи томондан, унинг ўзига хос компонентлари ўртасидаги алоқадорликка асосланиб ҳал қилинмайди. Республикамизда мустақиллик йилларида иқтисодий ислохотларнинг ўзбекона ривожланиш йўли, биринчи навбатда, маънавий ва иқтисодий тафаккурни юқори савияга кўтаришни тақозо қилади. Бунда иқтисодий билимларни эгаллашдан бошлаш энг оқилона йўл ҳисобланади. Чунки ҳамма замонларда иқтисодий билимлар кишилар учун зарур бўлган, иқтисодиёт билан ҳар хил даражада бўлса-да, ҳамма шуғулланиб келган. Бозор иқтисодиёти хўжалик юритишнинг шундай тизими ҳисобланадики, унинг тартиб-қоидалари, сиру асрорларини тўлатўкис ўзлаштириб олиш бир кўринишда осон эмас. Шуниси борки, бозор иқтисодиёти шароитида тасодифлар кўп бўлади, хавф-хатарлар эса ундан ҳам зиёддир. Бу шароитда алданиб қолиш, синиб қолиш, таназзулга учраш, қарзга

¹⁶ Қаранг: Пономарёв Л.Н., Попов В.Д., Чичканов В.П. Экономическая культура. – М.: Мўсль, 1987, С. .20

ботиб қолиш ва, ниҳоят, банкротга учраш хавфи етарлидир. Шунинг учун бозор билимларини эгаллаш юқоридаги ҳолатларнинг олдини олишда муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИНГ ТУБ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ.

2.1. Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётдаги туб ислохотлар ва уларнинг натижалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари, Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш системасини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш системасини; устувор ривжлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора тadbирларни янада кучайтириш, таълим соҳасида моддий-техника базасининг шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган муҳахассислари тайёрлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш, таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технблогияларни кенг жорий этиш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали системасини шакллантириш ҳисобига мамлакатимиз мактабларида касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет системасини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш, ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожладтириш соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни спорт билан

мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини куриш ва жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш, ёшларни, эвт аввало касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ёшларнинг ижодий ва ийтеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, учун шарт-шароитлар яратиш, илм-фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга фаол жалб этиш, ёш оилалар тўғрисида, ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оилани қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратйш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли «оммавий маданият» иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш каби тадбирлар жой олган бўлиб, уларни амалга оширишга жами харажатлар 7898,03 млрд сўм ва 165,43 млн. доллар этиб белгиланган. . Бугунги кунда янги жамият куриш йўлида дадил қадамлар билан бораётган халқимизнинг келажаги, баркамол авлоднинг шаклланишида ёшларнинг ўрни бекиёсдир. Шунингдек, баркамол авлодни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб етишишида тарихий мерос — сиёсий, иқтисодий ва маънавий қадриятлар катта аҳамият касб этади. Мафкуралар ва ғоялар кураши кетаётган бугунги глобаллашув даврида ёшларга ватанпарварлик ғояларини сингдириш, миллий истиқлол ғояси билан қуроллантириш, замон талабига жавоб берадиган илмий ва психологик жиҳатдан етук кадрларни воята етказиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон истиқбол учун асосий вазифа сифатида белгилаб олинган жамиятни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш йўлидан дадил олға босмоқда. Асосий мақсад кенг қамровли ислохотлар жараёнида халқимиз учун барча жойларда ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароити яратишдан иборат.

Йилдан-йилга кишиларнинг турмуш фаровонлигини ортиб бориши ҳудудларда намунавий лойиҳадаги уй жойлар, маданий-маиший техника жихозлари, енгил ва юк автомобилларни харид қилиш имкониятларини ўсишига сабаб бўлмоқда.

Бу борада аҳоли, хусусан биринчи навбатда қишлоқликларни ижтимоий инфраструктура шароитига кўра шаҳар имкониятлари билан бир хил бўлган уй-жойлар билан имтиёзли таъминлаш устивор давлат сиёсатига айланди. Ўзбекистон Президентининг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган - Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бу борада кескин бурилиш ясалишига, қурилиш ишларини жадал бошланишига мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Намунавий лойиҳадаги уй-жойларга эгалик қилишни истаганларга қарорга мувофиқ қатор имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Жумладан, турар жой қурилиши учун дастлабки тўловни 25-30 фоиздан ошмаслиги, қолган асосий тўлов баҳосини 15 йилга энг кам фоиз ставкасида кредитга берилиши, тўловчи иш ҳақини солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилиниши, марказлашган коммунал ва муҳандистлик, сервис хизмати кўрсатилиши ижтимоий ҳимоялаш тизимига асосланган. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қуриш бўйича мақсадли давлат дастури ижроси самарали таъминланмоқда.

Бу ҳақида Ўзбекистон Республика биринчи Президенти мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида яна бир бор қайд этилди. Қишлоқ жойларда ҳисобот йилида 11 мингта янги турар жойлар барпо этилди. Бу кўрсаткич жорий 2016 йилда 13 мингтага етказилиши кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қишлоқдан шаҳарларга эмас, балки шаҳардан қишлоқларга бориб яшаш истагини билдираётганлар сони ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ жойларида ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оилалар, мустақил тараққиётимиз йилларида эса қарайиб 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва уларни янги уй-жойлар билан таъминлаш ижтимоий сиёсат марказида турибди. Ҳозирги кунда қишлоқ жойларида яқка тартибда уй-жой қуриш бўйича узоқ йиллар мобайнида шаклланган индивидуал ёндашувлар, усул ва амалиётни модернизациялаш талаб этилмоқда.

Охирги тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар яқка тартибда уй-жой қурувчиларга қиймати 677 миллион доллардан зиёд ипотека кредитлари берилди. Хулоса шуки, инсонни бахтли ҳаётини ташкил этиш аввало, уй-жой билан таъминланишдан бошланади. Бу шарт-шароитни алоҳида ижтимоий ҳимоялаш тизими билан ташкил этилиши ҳар бир оиланинг доимий орзу-истагидир. Шу маънода Ўзбекистонда ҳозирда жадаллик билан амалга оширилаётган уй-жой қурилиши давлат дастури халқимиз ва хорижий мамлакатларнинг экспертлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Жамият ривожланиб борган сари, шунга мос равишда аҳолининг эҳтиёжлари ҳам ортиб боради, инсонлар замон талабларига мос келадиган, замонавий, янги типдаги уйларда яшагиси келади. Замонавий типдаги янги уйларда яшаган инсондан соғлом фарзанд туғилади, фарзандларининг билим олишлари учун етарлича шароитлар мавжуд бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, инсонларнинг ушбу эҳтиёжларини қондириш борасида юртимизда салмоқли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Мамлакат ривожига ўзининг улкан ҳиссаларини қўшган барча буюк аломалар ижодида асосий мавзулардан бири бўлган. Шу боис эҳтиёжманд кишиларга меҳр-саховат кўрсатиш, уларни ҳаётда қўллаб-қувватлаш масаласи мустақил Ўзбекистон давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланганлиги асло тасодифий эмас.

Зеро, бу сиёсат жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватланиши биз танлаган йўлни тўғри эканлигини ёрқин исботидир. Ўтган 25 йил

мобайнида давлатимиз томонидан босқичма-босқич ўтказиб келинаётган кучли ижтимоий сиёсат жамоатчилик муҳокамаларининг асосий ва бош мавзуларидан бири сифатида халқимизнинг бирлашиши, жипслашишида асосий омил бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуслари билан аҳолини турли қатламлари, хусусан, кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз кишилар, ногирон ва қарияларни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш иши тизимли йўлга қўйилди. Бу саховатли ва хайирли ишларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бирга ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла кесимида саховатпеша кишиларни ҳам фаол иштирокини таъминланиши кенг жамоатчилик томонидан маъқулланмоқда. Бу ҳақида турли йиғин ва маросимларда оддий фуқаролар фахр туйғуси билан эътироф этишлари, ҳар бири иштирокчининг саховатли ва савобли ишларда ўзи ҳам фаол иштирок этиш истагини борлигини изҳор қилишлари орқали кўплаб эштиш мумкин.

Саховат кўрсатиш, яхши ният билан амалий ишларга қўл уруш айниқса умуммиллий байрамларимиз арафасида янада жонланади. —Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган,-деб таъкидланади Ўзбекистон Республикаси Президентининг —2016 йилги наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорида,- меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка мухтож кишиларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тadbирларини амалга ошириш байрамга тайёргарлик кўриш муҳокамаларида алоҳида ўрин тутмоқда¹⁷.

Президент қароридан янада руҳланган кишилар ўзларини ҳошиш ва истакларига кўра —Меҳрибонлик уйлари, —Саховат уйлари хабар олишни инсоний бурчлари, деб қабул қилиб, ўзаро суҳбатларда берган ёрдами ҳақида эмас, балки шундай муассасаларда давлатимиз томонидан яратилган қулай

¹⁷ Халқ сўзи|| 2016 йил 20 февраль

шарт-шароитлар ҳақида бир-бирига тўлиб-тошиб гапирмоқдалар. Бу фикрлар жамоатчилик муҳокамалари марказига кўчиб уларнинг ҳар бир иштирокчиси томонидан саховатли тадбирларда иштирок этиш ис истаги инсоний фазилатга айланганлигини кўриш мумкин.

2.2. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши бўйича янги концепциянинг моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида мамлакат олдида турган устувор вазифаларни яъни: Ўзбекистон кейинги йилларда эришилган юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини мустаҳкамлаб, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, банк тизимини мустаҳкамлаш, мамлакатда ва маҳаллий даражада бюджет барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда четдан қарз олиш бўйича консерватив ёндашув сиёсатини давом эттириш, давлатнинг ташқи қарзи ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўймаслик, нодир ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат ва кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш, ташқи бозорларда рақобат ва беқарорлик кучайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг реал тармоқлари билан бир қаторда мамлакат ҳудудларида ҳам рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, фермер хўжаликларининг экспортда иштирок этишини янада рағбатлантириш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини ва иқтисодий ўсиш, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш, аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва моддий фаровонлигини оширишнинг асосий локомотиви бўлиши кераклигини ҳамда хусусий тадбиркорлик ва

кичик бизнес субъектлари манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб ва топшириқлар ижросини изчил давом эттириш, турли бюрократик тўсиқлар ва асоссиз текширувларни чеклаш, Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган Аҳолининг меҳнат билан бандлигини ошириш дастурини бажариш, касб-ҳунар коллежларининг 480 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш масаласи алоҳида назорат қилишни талаб қилади. Жамиятнинг ижтимоий табақаланиш даражасини пасайтириш, мамлакатимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги бўйича Ислом Абдуғаниевич томонидан белгилаб берилган сиёсатни қатъий давом эттириш ва халқаро коммуникация тармоқларига уланган замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини шакллантириш, шунингдек, миллий ахборот-коммуникация тизимларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган стратегияни амалга ошириш, бугунги шароитда энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва бу соҳада қабул қилинган Миллий дастурга мувофиқ, телекоммуникация технологияларини, алоқа тизимлари ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, информацион тизимлар комплекслари ва «Электрон ҳукумат» ахборот базасини шакллантириш ўта муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди. И.А.Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолиси учун шаҳар даражасидаги турмуш шароитини таъминлайдиган намунавий уй-жойларни ва тегишли инфратузилмани қуриш бўйича дастурни давом эттириш ҳамда таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларининг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Энг муҳим йўналишлардан яна бири — жамиятидаги демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик институтлари ривожланишини қўллаб-

куватлаш, сиёсий партияларнинг обрў-эътибори ва таъсирини ошириш, сайловчиларнинг овози учун рақобатни кучайтиришни асосий ўринга қўйди.

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқди. Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси дастурида 5 асосий йўналиш: давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳадаги ислохотлар ва ташқи сиёсат тамойиллари ўрин олган. Қайд этилдики, глобал иқтисодиётнинг ривожланиши тобора секинлашиб бораётгани ва жаҳон бозорларидаги ноқулай шарт-шароитларга қарамай, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва унинг ислохотларни амалга оширишга доир бешта машҳур тамойилига асосланган мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш ва ривожлантириш стратегиясини мақсадли ва тизимли амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат ва иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари сақланиб қолмоқда. Жорий йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши 7,8 фоизни, саноат ўсиши 7,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми ўсиши 15 фоизни, чакана савдо айланмаси ўсиши 14,2 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича дастурий чора-тадбирлар фаол амалга оширилмоқда. Замин заҳматкашларининг фидокорона меҳнати ва миришкорлиги туфайли, мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бой ҳосили етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,4 фоизга ўсиши таъминланди.

Аҳолининг даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз

ошириш йўналиши давом эттирилди. Ўтган йилда ўртача ойлик иш ҳақи 12,6 фоизга ошган, жорий йил 1 октябрдан эса бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар яна 15 фоизга оширилди. Янги қишлоқ массивларида замонавий намунавий лойиҳалар бўйича 12 мингтадан ортиқ шинам ва қулай шахсий уй-жой фойдаланишга топширилди. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизими моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш давом эттирилмоқда. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 6,8 триллион сўмдан ортиқ ва 150 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилди. “...биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади. Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлар, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда...”, деб белгилаб берилган вазифага қаратилди. Ушбу талабдан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдига иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларини ривожлантириш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган дастурларнинг 2016 йилга кўзда тутилган барча чора-тадбирлари, прогноз кўрсаткичлари ва мақсадли параметрларини сўзсиз ижро этиш учун мавжуд ресурс ва захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Шунингдек, 2017 йил ва келгуси йилларда иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш учун мустаҳкам замин яратиш вазифаси топширилди. Банк тизими барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, шу жумладан, ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва модернизациялашга доир

инвестиция лойиҳаларига, шунингдек, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кредит ажратиш ҳажмларини кенгайтириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Мажлисда давлат активларини, акциядорлик жамиятлари ва корхоналар устав фондларидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари улушларини хусусий мулкка, энг аввало, хорижий инвесторларга сотиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди. Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик вазифалари ва энг муҳим мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш учун бошқарув услубларини тубдан ва танқидий қайта кўриб чиқиш зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Бунда биринчи галдаги ва стратегик вазифа сифатида иқтисодиётни чуқур ислох қилиш, янада диверсификациялаш ва модернизациялаш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш бўйича ишларни кучайтириш шартлиги таъкидланди. Мажлис иштирокчиларининг асосий эътибори жорий йил 5 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида белгилаб берилган тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини кафолатлаш ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни сўзсиз таъминлаш зарурлигига қаратилди. Вазирликлар ва идоралар, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ва барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш бўйича аниқ вазифалари ва шахсий масъулияти белгилаб берилди. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида 2016 йилнинг энг муҳим объектларини ишга туширишни таъминлаш, маҳаллий хомашё ва материалларни чуқур қайта ишлаш ҳамда кимё, чарм-пойафзал, фармацевтика, қурилиш индустрияси ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари

ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича тасдиқланган ўрта муддатли дастурлар доирасида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлиги чуқур ва батафсил таҳлилқилинди. Саноат тармоқларини чуқур таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, ривожланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг – 9,4 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар – 11,2 фоизга ўсишини таъминлагани қайд этилди. Йил бошидан буён 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида 100 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани қайд этилди. Вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг йил охиригача ишга тушириш мўлжалланган 64 та йирик ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, 2017 йил учун ишлаб чиқариш дастурлари учун зарур хомашё ва материалларни, энг аввало, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида харид қилишга шартномалар тузишни тезлаштириш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб олинди. Бир қатор вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлигига қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, бир қатор вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган инфратузилма объектларини ривожлантириш ҳамда энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича 14 та ўрта муддатли дастурлар лойиҳаларини тайёрлашни тугаллаш ва тасдиқлаш учун киритиш топширилди. Булар қаторида сув, электр таъминоти, аҳолига транспорт хизматини кўрсатишни яхшилаш, маҳаллий автомобиль йўлларини

таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мактабгача таълим муассасалари ва бозорларни модернизациялаш, кам таъминланган ва ёш оилалар учун арзон уй-жойлар қуриш, аҳолини арзон дори воситалари билан таъминлаш, аёллар, болалар ва пенсионерларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш дастурлари ишлаб чиқилади. Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмлари ва турларини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш йўли билан маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилиш прогноз кўрсаткичларига эришиш юзасидан ишларнинг натижадорлигини пухта таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликларига маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, жойлаш ва ташиш бўйича зарур инфратузилмани ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўзда тутган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган 66 та туманнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Бош вазирнинг ўринбосарлари, “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси, “Ўзбекэнерго”, “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятлари, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондини, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва уларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш ишларини тугаллаш юзасидан ҳисоботлари эшитилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмасига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни

тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, ички бозорда нархларнинг асоссиз кескин ўсиб кетишига йўл қўймасдан талабни ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда қиш-баҳор мавсумида уларни аҳолига сотишни тизимли йўлга қўйишни таъминлаш топширилди. 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чоратадбирлар белгиланди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг —ўзбек модели ва унинг ижтимоий-иқтисодий натижалари жаҳон ҳамжамияти мутахассисларини янада ўзига жалб этишда давом этмоқда. Бу ривожланиш модели мамлакатимиз ҳаёти ва фаровонлигини нафақат юқори поғонага олиб чиқмоқда, балки ривожланиш йўлига кириб бораётган мамлакатлар учун серқирра эталон сифатида ҳам ўзига жалб этмоқда.

Ўзбек моделида ижтимоий соҳа деганда энг аввало таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ҳамда фан соҳалари ўз кўринишларини намоён этади. Бу соҳалар ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, унинг миллий истиқболида алоҳида ўринга эга. Айтиш мумкинки, ана шу соҳаларнинг юксалиши ва ривожини мамлакат тараққиётининг, аҳолининг турмуш даражаси ва савиясининг таъминлашда ҳал қилувчи кучга эга. Ижтимоий соҳанинг қай даражада юксалишига қараб, мамлакатнинг умумий тараққиёти ва халқнинг фаровонлиги (турмуш тарзи, умр кўриши, савияси, миллий менталитети ва ҳ.клар) га баҳо бериш мумкин. Агар бу омилларни —ўзбек моделининг чиқиш омиллари деб қабул қилсак, кириш омиллари эса, ишчи кучи салоҳияти; табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси; ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш; аҳоли бандлиги даражаси кабиларни киритиш ўринли бўлади. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ана шу кириш ва чиқиш омиллари орқали ўз баҳосига эга бўлади. Ўзбек моделида таъкидлаб ўтилганидек, ривожланиш харажатлари давлат бюджети ҳисобидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Бу харажатлар: маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, ижтимоий таъминот, кўп болали оилаларни

эътиборга олган ҳолди ижтимоий нафақалар, қишлоқ жойларида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурлари молиялаштиришга мўлжалланган кредит линияларини жорий этиш кабилар олдиндан ҳисобга олингани муҳимдир.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари – устивор ижтимоий соҳа – маориф ва соғлиқни сақлашга ажратилади. Жумладан, 2010-2015 йиллар давомида соғлиқни сақлашга 2,6, маориф, спорт, фан ва бошқа ижтимоий соҳаларга ажаратилган бюджет маблағлари 2,3 баробар кўпайган. 2016 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастурининг асосий йўналишларида таъкидланишича, меҳнат бозори ривожланишининг истиқбол кўрсаткичлари сифатида: ишсизлар сони, иш билан банд аҳоли сони, иқтисодий фаол аҳоли, меҳнат ресурслари сони кабиларни инобатга олишлар – ривожланиш моделимизнинг яшовчанлигидан далолат бермоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда 2016 йил якунида мамлакатимизда меҳнат ресурслари сони – 18,5 миллион кишини, иқтисодий фаол аҳоли сони – 14,1 миллион кишини, иш билан бандлар сони эса – 13,4 миллион кишини ташкил этиши мумкин. Агар, Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари йўналишлари ҳудудлар бўйича ҳам ривожланишига кенг йўл берилган. Масалан, саноатда Андижон вилоятида янги иш ўринлари сони 18,3 минг дона, Фарғона вилоятида – 16,1 минг дона белгилангани вилоятларнинг истиқболи пропорционал ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Жамиятнинг ижтимоий табақалашув даражасини камайтиришга қаратилган ижобий ислохотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул маблағлари, ўртача наминал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар кўрсаткичларида яққол намоён бўлмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда умумий даромадлар таркибида ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар (фойда) улуши ортиб

бориб, аксинча, аҳоли мол-мулкидан олинган тўловлар улуши камайиб бормоқда. Агар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларига, —ўзбек моделининг 25 йиллик натижаларига кўра, эътибор қаратсак, ижтимоий ривожланиш жараёнини математик моделлаштириш, инновацияларни жалб этиш, миллий инновацион тизимни ишга тушириш учун сайёи-ҳаракатлар бўлаётганига гувоҳ бўламиз. Албатта бу юртбошимизнинг ижтимоий ривожланиши доимо давлат назоратида эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни ривожлантиришнинг яна бир жиҳати — аҳолининг истеъмол ҳаражатлари таркибидаги сифат ўзгаришларидир. Аҳолининг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар диверсификацияси кенгайиши ҳисобидан ушбу даромадлардан оптимал фойдаланиш шароитлари яратилмоқда.

Натижада истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларнинг таъминланиши яхшиланишига имкон яратилмоқда. Айтиш ўринлики, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тамойиллари бошқариладиган тизим сифатида қаралиб, унинг чиқиш омиллари вазият ва ҳолатга кўра тартибга солинади, кириш омиллари сайқаллашади ва пировард натижа — иқтисодий ўсиш учун имконият яратилади. Бу тизимни оптимал ҳолда ушлаб туришда иқтисодий кўрсаткичлар ижтимоий сиёсатни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Демак, ижтимоий ҳаёт ва фаровонлик давлат назоратида, бу эса доимий ижтимоий-иқтисодий ҳаракатнинг истиқболли ҳолатини таъминлашига имкон яратади деб айтиш ўринлидир.

Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бозор механизмини самарали ишлашини, аҳоли турмуш фаровонлигини юқори бўлишини ва кучли ижтимоий кафолатларни назарда тутди. Давлатнинг молиявий фаолияти миллий даромадни, ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан шахсий

эҳтиёжларнигина эмас, шу билан бирга ижтимоий эҳтиёжларни қондириш зарурлиги юзасидан объектив жараён ҳисобланади. Иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида бюджетни ижтимоий йўналтирилган харажатларини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва кенг кўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш ва унинг янги манбаалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

Ҳукуматимиз томонидан ижтимоий жараёнларни давлат, хўжалик субъектлари ва аҳоли ўртасида мавжуд бўлган иқтисодий муносабатлар асосида мувофиқлаштириш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ўз фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва бажарадиган вазифалари, ташкилий тузилиши, бошқарилиши ва молиявий таъминланиш механизми бўйича тубдан ўзгарди. Республикамизда кейинги йиллар мобайнида ижтимоий соҳани ривожланишини рағбатлантирувчи муҳим қонуний ҳужжатлар қабул қилинди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида белгилаб қўйилганидек, «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади». Республикамизда янги вазифаларни аниқ белгилаган ҳолда, мазкур соҳанинг бошқариш ва молиялаштириш тизимлари ўзгартирилди. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ўз фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва бажарадиган вазифалари, ташкилий тузилиши, бошқарилиши ва молиявий таъминланиш механизми бўйича тубдан ўзгарди. Республикамизда кейинги йиллар мобайнида ижтимоий соҳани ривожланишини рағбатлантирувчи муҳим қонуний ҳужжатлар қабул қилинди. Ижтимоий соҳанинг ривожланишини баҳоловчи ва тартибга солувчи асосий мезонлари унинг асосий вазифаларини аниқлайди. Жумладан:

— иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш;

— инсон потенциалини сақлаш ва ривожлантириш;

— жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаш ва таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида барча соҳалар каби ижтимоий соҳаларда ҳам чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Ижтимоий соҳа ҳар қандай иқтисодиётнинг жумладан, бозор иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб, у бевосита инсонлар ҳаёти ва меҳнати билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам унинг муаммолари ҳар қандай шароитда, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Халқимиз асрлар давомида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт орзусида яшаб келди. Бу ғоя халқимизни ўз мустақиллигидан жудо бўлган даврларда ҳам тарк этмади. Бугунги кунда Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги асосий мақсади — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлиб, бу ғоя миллатимизнинг азалий орзу-умидларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини ифодалайди. Моддий оламда инсон муайян маконда туғилади ва ҳаёт кечиради, шахс сифатида шаклланади. Ана шу макон унга Ватан саналади. Дилида Ватан туйғуси шаклланмаган, киндик қони тўкилган заминга меҳр туйғуси жўш урмаган кишини чинакам Инсон деб бўлмайди. Шу билан бирга, инсон бахт-саодат учун туғилади. У ана шу бахт-саодатга ўзи туғилиб ўсаётган Ватанида эришмоқни орзу қилади. Бу унга ўз бахт-саодатини юрт ривож, унинг озод ва ободлиги билан уйғун кўришни англатади.

«Озод Ватан», «Обод Ватан», «Эркин ва фаровон ҳаёт» тушунчалари шу жиҳатдан ўзига хос маъно ва мазмун касб этади. Озод Ватан – ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал этиш ҳуқуқини тўла рўёбга чиқара олган миллатнинг яшаш макони бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, нуфузига ва мавқеига эга бўлган мамлакатдир. Обод Ватан – фуқаролари эркин ва озод, яратувчилик фаолияти билан банд бўлган, тўла ижтимоий-сиёсий хавфсизликда фаровон ҳаёт куриш иштиёқида яшаётган ҳудуддир. Эркин ва фаровон ҳаёт — одамларнинг юқори даражадаги моддий ва маънавий

неъматларга эркин тарзда, ўзларининг бор қобилиятлари ва имкониятлари эвазига эришишидир. Мустақиллик миллий қадриятлар, маданият ва анъаналарни, маънавиятни тиклаб, одамларимиз қалбида миллий ғурур ва ифтихор ҳамда ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришга замин яратди. Шунингдек, мустақиллигимизнинг ўзига хос мафкурасига айлангай миллий истиқлол ғояси минг йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган миллатимиз маънавияти сарчашмаларидан, бутун инсоният тўплаган тажриба ва қадриятлардан озиқ олади. Шу боисдан ушбу ғоянинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтиш жоиз.

«Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз, — деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, — миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзligимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигани кучайтиришидир. Лекин турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати — барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт.

Том маънода мана шундай олижаноб туйғулар миллий ғоя ва миллий мафкураимизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор»: Юртимизда яшаб ижод қилган ислом фалсафаси намояндалари — имом Бухорий, имом Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абулқосим Замахшарий, Абду-холиқ Риждувоний, буюк қомусий олимлар — Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, мутафаккир шоирлар — Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, улуғ саркардалар ва давлат арбоблари Амир Темур, Бобур, Абдуллахон ижодида ва амалий фаолиятларида эркин, фаровон жамият гоёлари акс этганлиги бежиз эмас. Шу билан бирга, Шарқ мутафаккирлари инсонпарвар жамият қуриш гоёсини одил шоҳга боғлайдилар (Фаридиддин Ат-тор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий,

Жалолиддин Румий, Баҳовиддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Еаззолий, Бедил ва б.). Бу каби мутафаккирлар ҳоким ва халқ, шоҳ ва салтанат муносабатларида адолатли иш тутиш, давлатни қонунлар орқали ботқариш, қабул қилинаётган тadbирларнинг халқ томонидан қўлланиши каби ижтимоий муаммоларни кўтарадилар. Бу озод Ватан, халқпарвар тузум идеалларини асослаш эди.

Тасаввуфнинг кўпгина намояндалари ҳам ўз илмий ва амалий фаолиятларида эркин ҷамият ғоясини илғари сурганлар. Ҳасан Басрий, Абдулла Ансорий, Абулҳасан Ҳараконий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хўжа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам Косоний адолат, ҳақиқат куйчилари бўлдилар. Дарҳақиқат, барча даврлар ва халқлар мутафаккирлари бахт-саодат келтирадиган тузум ҳақида орзу қилиб келганлар. Бу ҳақда кўплаб мутафаккирларимиз қарашлари тўғрисида кўп ва хўп гапириш мумкин. Лекин биргина Форобий қарашлари мисолида бахт-саодатга, фаровонликка ҷамият аҳли қандай эришади, деган ғоянинг миллий ғоямизда акс этган жиҳатларига тўхталиб ўтиш жоиз. Форобий фикрига кўра, ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар ҷамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай ҷамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шу маънода, Форобий фикрига кўра, ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган ҷамият фозил ҷамиятдир.

Абу Наср Форобий ўзининг «Талхису Наволиси Афлотун» («Афлотун қонунлари моҳияти») асарида фозил ҷамият концепциясини баён қилишни қонунлар ҳақида фикр юритишдан бошлайди. Буюк мутафаккирнинг фикрига кўра, инсоннинг хавфсиз яшаши учун биргина фаровонликнинг ўзи

етишмайди. Инсон жасорати эса ташки урушдаги жасорат эмас, балки одамларнинг ўз иллатлари устидан ролиб келиб, тинчликни таъминлашларидир. Демак, инсонларнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатидан фаровон жамият сари интилишнинг илк босқичи келиб чиқади. Форобийнинг қарашларига кўра, «энг мушкул иш — қонунни жорий қилишдир. Қонунга шубҳа билан қараш ҳамда қонун устидан арз қилиш эса энг осон ишдир.» Бугунги ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнларида бу каби ўғитларнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, унинг қонунга ҳурмат билан қарашнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари эътиборга молик. Буюк аллома шундай деб ёзади: «Қонуннинг ўзи ўз ҳолича олийжаноб ва юқори мартабали бўлиши керак ва унинг номидан ҳамда у (қонун) ҳақда нимаики гапирилса ҳам мўътабар ҳисобланиши лозим. Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтирадилар. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди».

Демак, Форобий ҳар қандай одамда ҳам таҳсинга лойиқ инсоний қувват ҳам ҳайвоний куч мужассамлигини таъкидлаган ҳолда қонун айнан таҳсинга сазовор инсоний қувватни ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарурлигини уқтира-ди. Шаҳарнинг ҳамма аҳолисига келганда, агар улар таҳсинга сазовор қувват касб этишга кучлари етмаса, йўл кўрсатувчи қонун соҳибларининг адолатларига бўйсунити керак бўлади.

Фозил жамият ҳақидаги тасаввурларни бугунги кунда демократия деб номланаётган қадриятлар тизимига кўп жиҳатдан мослигини кўрамиз. Хусусан, демократияюшг асосий мезонларидан бири бўлган қонунларни жорий қилиш муаммоси ҳам бундан мустасно эмас. Унинг фикрига кўра, чинакам қонун ўрнатувчи янги қонун қабул қилаётганида мамлакатдаги барча табақалар, авлодларга, вилоятлар аҳолисига бахт-саодат, шод-хуррамлик, эркинлик ва фаровонлик келтиришини ҳисобга олади.

Қонун турли-туман феъл-атвор ҳамда хислатларга эга бўлган одамлар хайрихоҳлик билан кутиб олишига арзийдиган бўлиши зарур. Маълумки,

Форобий фозил жамиятнинг асосий хусусияти деб бахт-саодатга интилишни тушунади ва бахт-саодатга интилмайдиган жамиятни жоҳил жамият деб баҳолайди. Бахт-саодат эса олий даражадаги эзгулик бўлиб, унга соғлиқ, гўзаллик, бойлик каби қадриятлар етаклайди. Жоҳил ва адолатсиз одамлар учун эзгулик йўқ ва улар бахтга эриша олмайдилар. Улар учун хатто ҳаёт ҳам бир кулфатдир. Мутафаккир фикрига кўра, саодатга оқиллик ва унга ҳамиша интилиб яшаш орқали эришиш мумкин. Шундай экан, қонун мустаҳкам рух ва оқил идрок тарбиясига йўналтирилгандагина фаровонлик томон етаклайди. Демак, раҳбар халқ, оммани тарбиялашга, унинг руҳи ва идрокини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоғи зарур.

Бугунги кунда биз барпо этаётган жамиятнинг олий мақсадларидан бири инсонларнинг фаровон ҳаётини таъминлашдир. Жамиятни бошқаришда одамларни фароғатда яшашга имкон берувчи, бирдамликка етакловчи, интизомни шакллантирувчи қонунларни яратиш айтиб биз кўзлаган мақсадга хизмат қилади. Шунга боғлиқ тарзда айтиб ўтиш жоизки, XX аср бошларида озод юрт қайғусида яшаган Абдулла Авлоний бу ҳақда шундай деган эди: «Интизом деб, қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди. Инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар. Алҳосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини вақтида низомдан чиқармай тартиб ила юритмакга боғлиқдур. Ишларини тартиб узра юритган кишиларнинг ишлари ерида, ўзлари тинч ва роҳатда умр ўтказурлар». Ўз юртларини озод ва обод кўришни орзу қилган жадид зиёлилар ҳам тарбия масаласига алоҳида эътибор қилганлари бежиз эмас эди. Яна бир бор Авлонийнинг Форобий фикрларига ҳамоҳанг мулоҳазаларига эътибор берайлик. «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчи ва роҳати, - деб таъкидлайди Авлоний, — ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур».

Кўриниб турибдики, Форобий ва Авлоний турли даврда яшаганликларига қарамай, одамларни эркин ва фаровон жамиятга тарбия орқали етаклашга даъват қилганлар. Форобий ғоясига кўра, фозил жамият

фақатгина одамлар жамоаси борлиги учунгина фозил деб аталмайди, балки адолатли қонунларга ва бошқарув қоидаларига риоя қилгани, доно раҳбарга эга бўлишга, одамларнинг таҳсинга лойиқ одатлари ва ахлоқини рўёбга чиқаришга шарт-шароит яратган жамият бўлгани учун ҳам фозилдир. Мамлакатдаги тузумнинг гўзал ва яхши бўлиши ҳукмдорнинг билимдонлиги ва ўзга тузумлардаги фаровонлик ва бошқа ижобий жиҳатлардан хабардорлик билан боғлиқ; деган фикр ҳам Форобийни замонавий демократия назариётчилари каторига қўйишимизга имкон беради. Бунинг устига, фуқаролик жамияти ҳақидаги ҳозирда кўплаб билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ҳам мутафаккирнинг назаридан четда қолмаган. Форобий мамлакат аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган тақдирда кучли ҳокимиятга эҳтиёж туғилади деб таъкидлайди. «...Ҳокимият ихтиёрий қабул қилинганда кўпроқ маъқул ва ҳар томонлама қулай ҳисобланади... жоҳил одамлар устидан ҳукмронлик ва уларни ҳокимиятга бўйсундириш ҳақиқатан тўғри иш бўлиши билан бирга, эркин ва меҳр-шафқатлиларни бўйсундириш ўта бемаънилиқдир»¹⁸.

Дарҳақиқат, комил инсон устидан ҳукмронликка эҳтиёж йўқ. Комилликка интилувчи инсонлар фаолияти фозил жамиятни шакллантирувчи омиллардан биридир. Мутафаккир фозиллар шахрининг зидди бўлган шахарлар (жамият) ҳақида ҳам фикрлар билдирадики, бу ҳолат ҳозирги замон жамиятининг айрим жиҳатларига танқидий муносабатда бўлишни талаб қилади. Форобийнинг огоҳлантириш шундаки, жоҳил жамият аҳолиси бахт-саодатга интилмайди, бахт-саодат нималигини билмайди ҳам. Чунки, жоҳил одам ҳеч қачон бахт топмаган ва бахт-саодатга ишонмайди ҳам. Фаровонликка келсак, жоҳил одам (ҳақиқий ободонликни билмасдан) баъзилар назарида бахту давлат бўлиб кўринадиган ўткинчи, юзаки нарсаларни, мол-дунёни, жисмоний лаззатларни, хирсу шахватни, обрў, амал, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт, фаровонлик деб ўйлайди. Шу неъматлардан ҳар бири жоҳил одам назарида ҳаётдан мақсад, бахт-саодат бўлиб кўринади.

Моддий ва маънавий неъматларнинг барчаси биргаликда уйғунлашган чоғдагина ҳақиқий бахт-саодатга эришиш мумкин. Бу неъматларнинг тескараси — тан касалликлари, камбағалчилик, завқ ва лаззатдан маҳрумлик, ҳурмат ва обрўнинг йўқлиги — бахтсизликдир. Ёлғиз жисми талабларини, хирсини қондириш, ишрат, кайф-сафога интилиш бахт-саодатни билдирмайди. Эҳтирослар тизгинини жиловламай, шахсий истакларини тинимсиз қондиришга интилишлар ҳам шулар жумласидандир.

Форобий, шунингдек, бир-бирларини мақташни, кўкка кўтариш, бир-бирларининг олдида ёки бегоналар кўзига улуғвор, шон-шавкатли бўлиб кўринишга сохта уринишларни ҳам жоҳилликнинг кўриниши сифатида баҳолайди. Фаровонликка интиладиган жамият аъзоларининг ўз ғоялари, ихтиёрий амал қилишга жазм этган қадриятларига собитлигини талаб этади. Форобий фикрига кўра, фозил жамият аҳолисининг назарий қарашлари ва амалий ишларига нисбатан бегона ғоялар аста кириб олиб, уларнинг қарашларини ўзгартириб юбормаслиги керак. Зеро, инсон бахт-саодат нималигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлсада, шавқ, ва завқ, сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа, бу қилмишлари ноўриндир. Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади. Инсон, аввало, бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини би-лиши, унга эришувни ўзига тоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади.

Форобийнинг ушбу фикрлари бугунги кунда ўз миллий ғоясининг пировард мақсади сифатида фуқаролик жамиятини барпо этишни кўзлаётган жамия-тимизнинг мақсадларига ҳамоханг эканлигини англаш мушкул иш

эмас. Хуллас, фаровон жамият ғояси мустақил ва барқарор та-раққиёт йўлига кираётган жамиятлар учун икки хисса қадрлидир. Шу маънода, унинг умуминсоний жиҳатларига, демократик моҳиятига улкан эътибор берилаётганлиги табиийдир. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда озод ва обод Ватан, демократик жамият қуриш жараёнига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратаётганлиги ҳам шундан. Зеро, мамлакатимизда фаровон, илғор жамият барпо этиш — мақсад, амалга оширилаётган ислохотлар — восита бўлиб, жамиятимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ўз навбатида, ислохотлар учун шарт-шароитдир.

Мамлакатимизда демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши ҳақида фикр юритар экан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов жамиятнинг демократиялашувини узоқ муддатли жараён сифатида баҳолайди, демократия ғояларини шунчаки баён қилиш, юқоридан тушириш билан уни одам-ларимиз ҳаётига сингдириб бўлмаслигини уқтиради. «Демократия, — деб таъкидлайди И.А.Каримов, — жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигага айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократик турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир».

Демократияни жамиятнинг устувор қадриятига, унинг барқарор тараққиёти омилига айлантириш учун адолатли жа-мият орзуси йўлида инсоният тўплаган тажриба ва амалиётни муттасил ўзлаштириш зарур. Бунда шарқона демократия тамойиллари таянч бўлиб хизмат қилади. Аммо, инсон табиати зиддиятлидир. У бошқалар интилишларига тескари бўлган интилишларга эга бўлиши ва шу вақтнинг ўзида ўзгалар билан ҳамкорликка мойил бўлиши мумкин. Инсон табиати хос ана шу қарама-қаршилик унинг жамиятдаги ҳаёти ва хатти-ҳаракатларини ҳам белгилайди. Одамлар бир томондан шахсий эркинликка интилсалар, иккинчи томондан ижтимоий

тенгликни талаб қилишга мойил бўладилар. Одамлар ўз манфаатларини кўзлашлари билан бирга умумижтимоий манфаатларга ҳам интиладилар. Аммо бу қарама-қарши майл (тенденция)ларни, шахсий манфаат билан жамият манфаатларини қандай қилиб мувофиқлаш-тириш мумкин? Жамият бу муаммонинг ечимига демократия механизмларини ишга солиш орқалигина кела олади. Айнан демократия ва умумий манфаатлар вобасталиги ижтимоий муносабатларни мувозанатга келтиришга хизмат қилади. Демократия доимий қутб — «зиддият — келишув — бирдамлик» орқали ўзига йўл очар экан, кишиларнинг ўзаро розилиги, келишувига таянади. Гап шундаки, демократия — бу ёлғиз ўз мақсад ва талабларини амалга ошириш воситаси бўлмай, бал-ки ўзаро муносабатларнинг мақбул қоидаларига риоя этишдир. Умуминсоний, хусусан, демократик қадриятларга таянган миллий истиқлол гоёси ана шу қутбий интилишларни мувофиқлаштириш орқали умумий манфаатларни ўзида ифода этади.

Фуқаролар ижтимоий ҳаётини ўрганиш мақсадида ижтимоий муаммоларни ёритиш бўйича учрашув ва тадбирларда фаол иштирок этиш, маънавий-ахлоқий меросни аниқлашда унинг инновацион усулларини излаб топиш юзасидан дастлабки материаллар тўпланади. Олиб борилган тадқиқотлар юзасидан дастлабки хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилади, унинг назарий-методологик асослари илмий асосланади, жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ривожлантириш истиқболлари масалаларига доир турли-хил танловлар уюштирилади, ғолиблар рағбатлантирилади, олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар учун фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маънавий-ахлоқий соҳадаги ислохотларнинг илмий-амалий мазмунини очиқ беришга хизмат қилувчи энг муҳим манбалар, кўшимча ва тушунтирувчи матнлар, ёшларни маънавий-ахлоқий қиёфасини юксалтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар тизимли равишда акс эттириб борилади. Жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ривожлантириш истиқболлари мавзуси бўйича олий ўқув юртлари талаба, магистр ва аспирантлари учун семинар-тренинглари ташкил қилинади, тадқиқот мавзуси бўйича давра

суҳбатлари, учрашувларни ташкиллашга оид махсус дастур тайёрланади, мавзу бўйича танловлар ташкил қилинади, натижалари баҳоланиб, ғолибларни рағбатлантирилади. Тадқиқот бўйича маънавий-ахлоқий йўналишдаги тадбирларини йўлга қўйиш, жойларда намунавий дастурлар асосида ишни ташкил қилиш, уни илм-фан фидойилари иштирокида учрашувлар ташкил қилинади, натижалар кузатиб борилади, хулосаланади, муаммога доир амалий тавсияномалар ишлаб чиқилади, мазкур мавзу бўйича илмий-амалий анжуман ташкил қилиниб, материаллар чоп этилади. Жумладан биз томонимиздан мисол сифатида танланган объектда қуйидаги тадқиқотни амалга оширдик. Фарғона шаҳар 10-”Шодиёна”МФЙ да олиб бордик. Аҳоли сони 4750 та, оилалар сони 1467та, вояга етмаганлар 242 та, нафақахўрлар 997 та, кўп болали оилалар 36 та, кам таъминланган оилалар 163 та, ночор оилалар 27 та, боқувчисини йўқотган оилалар 2та, нотинч оилалар 2та, ишсизлар сони 72та, никоҳсиз оилалар 5та, ногиронларни умумий сони 61та, болалигидан ногиронлар 4та, 16 ёшгача ногиронлар 4та, рўйхатда турган гиёхвандлар 1та, ўз жонига қасд қилган 1та. 10-”Шодиёна”МФЙ ҳудудида яшовчи улуг ёшдаги фуқаролар, яқка ёлғизлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, моддий ёрдамга мухтож оилаларни ҳар доим, ҳамма байрамларда хабар олинади¹⁹.

Ижтимоий ҳимоя фақат давлат ташкилотлари ва ҳокимият органларининг, ижтимоий таъминот муассасалари ва хайрия ташкилотларининг иши бўлиб қолмаслиги керак. “Ижтимоий” тушунчаси ҳаммамизга тегишлидир ва у бутун жамиятнинг диққат-эътиборида туриши лозим.

¹⁹ Тадқиқот муаллиф томонидан 10-”Шодиёна”МФЙ ҳудудида амалга оширилди.

ХУЛОСА

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи жамиятнинг ижтимоий ҳаётининг барча томонларини эркинлаштиришнинг кенг дастурини амалга ошириш, иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани бошқариш тизимини демократлаштиришни кучайтириш билан характерланади. Ўзбекистонда бозор ислохотларнинг миллий модели асосида беш тамойил ётади, улардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди. Аҳолининг, айниқса, кам таъминланган қатламларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш учун амалдаги имтиёзлар ва нафақалар тизими такомиллаштирилмоқда; кам таъминланган оилаларга нафақалар тўлашни ташкил этиш билан шуғулланувчи ўзини-ўзи бошқариш органлари мутахассисларининг тайёргарлик даражаси оширилмоқда.

Аҳолининг, унинг кам таъминланган қатламларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги даражасини оширишга қуйидагилар ҳисобидан эришилди:

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини молиялаштириш мақсадида бюджетдан ташқари манбаларни, жумладан, хайрия ташкилотлари ва хомийларни жалб қилиш, бу кам таъминланган оилаларнинг катта қисмини қамраб олишга ва ижтимоий тўловлар миқдорини кўпайтиришга имкон беради;

- тарифларнинг ўсишини қисман қоплаш учун кам таъминланган оилаларга уй-жой коммунал хизматларини тўлаш учун мақсадли ва манзилли субсидияларни босқичма-босқич жорий қилиш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, аввало, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ишлатилмаётган меҳнат салоҳиятига эга бўлган кам таъминланган оилалар вакилларига кредит ресурслари беришга ваколатли микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жамиятни тубдан ислоҳ қилиш борасида давлатнинг ижтимоий соҳадаги асосий стратегик мақсадлари ҳар бир кишининг ҳаёт сифатини яхшилашга, оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун ишончли манбаларни таъминлашга, кекса авлод, пенсионерлар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, инсоннинг ижтимоий-иқтисодий, жумладан, муносиб турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқлари ва кафолатларини таъминлашга қаратилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда амалда бўлган ижтимоий ҳимоя тизими мураккаб даврда нафақат аҳолининг ижтимоий муҳтож гуруҳларини ҳимоя қилишдан, шунингдек, унумли меҳнат учун рағбатларни яратишдан ҳам иборатдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг тузилган тизимини босқичма-босқич қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш кетмоқда, ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини ўз фаровонлиги ва ўз оиласи фаровонлиги учун жавобгарлик билан уйғунлаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлар қарор топмоқда.

Битирув малакавий ишимизнинг тадқиқот доирасидан келиб чиқиб қуйидаги **тавсиялар**ни бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш;
- Фарғона шаҳар 10-”Шодиёна”М.Ф.Ў маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги мавжуд ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўзига хос харитасини яратиш;

- ҳайрия ва ижтимоий ҳимоя тадбирларини олиб бориш учун режа белгилаш ва амалга ошириш;
- маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар муаммоларни ҳал этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;
- ҳудудда ўтказиладиган халқ сайллари, миллий ва диний байрамларда турли миллат вакиллари маданиятига ҳурмат бажо келтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакиллари ва ногиронларнинг қатнашишини таъминлаш;

Маҳаллаларда олиб борилаётган ҳайрли ишларга катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ҳимояга оид сиёсатининг халқчиллигидан далолат беради. Шунинг учун ҳар бир жамият аъзосидан юрт тинчлиги, ватан равнақи, ободлиги учун тинмай изланиш, меҳнат қилишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” 2010
2. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-2540-сонли қарори. Халқ сўзи, 2016 йил 2 июнь.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.: Ўзбекистон, 1994
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий тамойиллари. Т.:Ўзбекистон 1995
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.:Ўзбекистон, 1997
7. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.: Ўзбекистон нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2007 .
9. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т: “Ўзбекистон” 2015, 30-31 бетлар).
10. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”, - “Халқ сўзи”, 2016 йил 16 январ.

11. Ғаниев Ш. Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг “2015 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш, таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни янада чуқурлаштириш бўйича 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор вазифалари тўғрисида” ги Қарори. “Фарғона ҳақиқати”, 2016 йил 23 январ.
12. Ижтимоий ҳимоя йили давлат дастури. 2007
13. Убайдуллаева Р.А. “Кучли ижтимоий сиёсат ва сиёсий кафолат тармоғи ривож” //Жамият ва иқтисод-1998.
14. Абдурахмонов К.Х. Шарифулина Т.А. Меҳнатда иқтисод ва сиёсат: Ўқув қўлланма. –М:РЭА Плеханов номли. 2002
15. Абдурахмонов Х.Х. “Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кексаларга ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш”. Давлатлараро илмий-амалий конференция “Ўтиш даври иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари”, Санкт-Петербург 2005
16. Ўзбекистон аҳолисининг ҳаётий даражаси ва ижтимоий ривожланиши. Тошкент 2006
17. Одетов Ю.Г. “Давлатнинг сиёсий-ҳимояловчи функцияси ва уни бозор иқтисодиётида қўллаш”//илмий меҳнат тўплами. Т.: филиал РЭА Г.В.Плеханов ном. Тошкент 2007
18. 2006 йилда Ўзбекистон Республикасининг статистик кўриниши. Тошкент 2007.
19. Шакиров И.А. Нурматов Д.Н. “Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ривожлантирувчи босқичлар”. Тошкент 2007
20. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ижтимоий ҳимоя қилишга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Фарғона 2007.
21. Маҳалла: ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент 2010.
22. Ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик учун пенсияларни сунъий тўлиқларсиз ўз вақтида тайинланиши ва ҳисобланиши устидан

жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид услубий тавсиялар.
Фарғона 2002.

23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи
ялпи мажлиси тўғрисида информацион ахборот//Солиқ ва божхона
хабарлари. “Норма” иловаси 2007 йил 3 апрел.
24. Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ва ижтимоий иш соҳаларини
ривожлантириш муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий
анжумани материаллари. Фарғона 2016йил
25. Social Work history network <http://www.socialworkhistory.net>
26. Social Work Search Engine <http://www.socialworksearch.com>
27. www.ziynet.uz
28. www.marketing.ru
29. www.uza.uz
30. www.ifmr.uz
31. www.lex.uz